VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

47-48 (56) 2009 йил 2 декабрь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz



«Сайилжойи»лик чеварлар

Жиззах шаҳар «Сайилжойи» маҳалласида яшовчи хотин-қизларнинг кўпчилиги қўлигул чевар тикувчи ҳисобланишади. Улар уй-рўзғор юмушларидан бўшаган вақтларида тикиш-бичиш, гилам тўқиш, бадиий каштачилик каби халқ ҳунармандчилиги билан машғул бўлишади.

12-бет ←



Туризм истиқболи

Жаҳонда кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз туризм соҳасига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Айрим давлатларда авиақатновлар кескин камайган, меҳмонхоналар бизнеси инқироз кўчасига кирган. Бунинг оқибатида келиб чиққан ишсизлик соҳага рахна солмоқда.

11-бет ←



Энг қадимги гилам

қадимги гиламлар деганда кўз ўнгимизда аввало Форс кўрфази атрофида жойлашган мамлакатларда қўл меҳнати эвазига яратилган санъат дурдоналари намоён бўлади

11-бет ←

## «Мақсадимиз — Ўзбекистон фуқароси онгида ўз мамлакатининг тарихий ўтмиши, бугунги куни ва келажаги учун фахрланиш туйғусини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш!» — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг асосий сиёсий шиори ҳисобланади.

## ЎзМТДП номзодларига овоз беринг!

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН



# Миллий таълим тизими

### шахснинг баркамол, комил инсон бўлиб вояга етишишида билим олиш ҳуқуқини давлат томонидан кафолатланиши муҳим аҳамият касб этади

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида **«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир»** дейилган.*

Конституциямизда ушбу нормани акс эттирилиши ҳамда умумий таълим олишнинг бепул амалга оширилиши аҳолининг таълим олишга бўлган ижтимоий эҳтиёжини қондиришда бош мезон ҳисобланади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари сингари таълим соҳасини ҳам тубдан ислоҳ қилиш вазифаси жамият олдида кўндаланг вазифа сифатида турарди. Шу мақсадда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқилган ҳолда халқ таълими тизимини жадал ислоҳ қилишга киришилди. Чунки ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг кўпчилиги, шу жумладан Япония давлати ўз тараққиётига эришиш учун ислоҳотларни ҳам айнан таълим соҳасидан бошлаган.

Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан бундан ўн йил олдин, МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, 1997 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида ҳаётимиз учун муҳим аҳамиятга молик масалалар қаторида мамлакатда таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаблари даражасиги кўтариш, Ватанимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш мақсадларига қаратилган икки улуғ ҳужжат - "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланди.

Мақбул таълим тизимини ишлаб чиқиш, уни амалиётга самарали жорий этиш мамлакат ривожининг бош омилига айланди.

Айтиш жоизки халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш бошланди. Кўплаб лицей ва бошқа ўрта махсус ўқув муассасалари очилди. Олиб борилган ислоҳотларнинг натижасига кўра, Ўзбекистонда лицейдан тортиб академиягача бўлган замонавий, анча мукаммаллашган янги таълим тизими вужудга келтирилди.

Ўзбекистон таълим тизимининг мазмуни, сифати ва салоҳияти, таълимнинг савияси ҳамда мактаб ишларининг даражаси бўйича дунёдаги етакчи давлатлар қаторига чиқиб олди. Мамлакатимизда, Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида, дунёда таълим соҳасида "ўзбек модели" юзага келди. Ҳозирги кунда бошқа давлатлар таълим соҳасидаги мазкур моделни ҳар томонлама ўрганиб, бу соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишда ушбу моделнинг афзаллигини ҳар томонлама тан олган ҳолда, уни ўз давлатларини таълим стандартларини ишлаб чиқишда андоза қилиб олмоқдалар.

1992 йилда "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг биринчи Қонунида таълим ва тарбиянинг собиқ тоталитар тузум даврининг асоратларидан халос этиш вазифаси қўйилди. 1997 йилдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонунда таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни улкан миқёсдаги ва узоқ муддатли дастурий фаолият сифатида оёққа қўйди, бу соҳа ривожини давлат сиёсатининг энг устувор вазифалари даражасига кўтарди. Ушбу Қонунда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқлари, таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақоми, давлат таълим стандартлари турлари, таълим тизими ва турлари, таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва таълим тизимини бошқариш тартиби қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, мазкур Қонунда билим олиш ҳуқуқи жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бир қаторда "Таълим тўғрисида"ги Қонунда биринчи марта болаларнинг уйда таълим олиш имконияти белгиланди. Бунга кўра, давлат оилада мустақил равишда таълим олишга кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилиб борилиши белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгиланган.

(Давоми 4-бетда)

Диққат обуна!

«Milliy tiklanish»

газетасига 2010 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

Индекс: 158

ФАОЛИЯТ

# Етакчи масъулияти

*Партиямизнинг Ўзбекистонни ривожлантиришнинг - Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги каби умуммиллий ғоялари атрофига жипслашиш йўлини изчил қўллаб-қувватлаган ҳолда фаолият юритаётган ЎзМТДП Беруний туман кенгаши ўтган йиллар мобайнида ҳам ташкилий, ҳам сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланди.*

Дарвоқе, бундан беш йил муқаддам таркибида 240 нафар партия аъзоси билан иш бошлаган туман ташкилоти ҳозирда 1000 дан ортиқ партия аъзосига эга. 42 та бошланғич партия ташкилоти атрофида бирлашган аъзоларнинг 580 нафарини аёллар, 370 нафардан зиёдини зиёлилар ташкил этади. Биз ташкилот етакчиси Қурбанбой Шаниязов билан учрашиб, партия томонидан ўтган вақт мобайнида қилинган ишлар, шунингдек, жорий йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳақида суҳбатлашдик:

- ЎзМТДП Беруний туман кенгашининг иш фаолиятидаги бундай ижобий ўзгаришларни ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашига янги етакчилар сайлангани билан боғлаш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар

| Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими |
|---|---|---|
| **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА:** | | |
| **1-Нукус сайлов округи** | | |
| Жалменов Улыкбек Абылаевич | 1960 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси |
| **2-Тўрткўл сайлов округи** | | |
| Имамов Фархад Алаведдинович | 1976 | Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани молия бўлими мудири |
| **3-Элликқалъа сайлов округи** | | |
| Кушакаев Бахтияр Янгибаевич | 1963 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси |
| **4-Амударё сайлов округи** | | |
| Султанова Зулфия Султановна | 1959 | Тошкент Давлат аграр университети Нукус филиали кафедра мудири |
| **5-Хўжайли сайлов округи** | | |
| Урдабаев Жарылкап Ермекбаевич | 1956 | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикасидаги Назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи |
| **6-Чимбой сайлов округи** | | |
| Утемуратов Аскарбай Минажович | 1972 | "Чимбой мой" очиқ акциядорлик жамияти раиси |
| **7-Орол сайлов округи** | | |
| Таджетов Мурат Шамуратович | 1973 | Қонликўл саноат-транспорт касб-ҳунар коллежи директори |
| **8-Оқманғит сайлов округи** | | |
| Ниязова Джамиля Абдуқадировна | 1958 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси |
| **АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | |
| **9-Андижон сайлов округи** | | |
| Юнусова Манзурахон Пазлиддиновна | 1971 | Андижон Давлат университети кафедра мудири |
| **10-Олтинкўл сайлов округи** | | |
| Мирзарахимова Холидахон Телмановна | 1960 | Андижон вилояти "Меҳримиз сизга" аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий, ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази директори |
| **11-Бўз сайлов округи** | | |
| Исамитдинов Улуғбек Халимович | 1963 | Шаҳрихон туманидаги "Анд Кубо" ишлаб чиқариш тижорат фирмаси директори |
| **12-Шаҳрихон сайлов округи** | | |
| Отахонов Қаҳрамонжон Қобилжонович | 1976 | Шаҳрихон туманидаги «Ихтисослашган универсал қурилиш» масъулияти чекланган жамияти раиси |
| **14-Мархамат сайлов округи** | | |
| Мамарасулов Хатам Ахмаджанович | 1966 | "Андижоннефтбаза" унитар корхонаси директори |
| **15-Хўжаобод сайлов округи** | | |
| Одилов Қодиржон Одилжонович | 1952 | Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси доценти |
| **16-Пахтаобод сайлов округи** | | |
| Иминжонова Дилфузахон Эргашовна | 1965 | Жалақудуқ тумани Маънавият тарғибот маркази раҳбари |
| **17-Қўрғонтепа сайлов округи** | | |
| Тўхтабаев Абдурашид Турсунович | 1953 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси |
| **18-Избоскан сайлов округи** | | |
| Ўрақов Қудратилла Эргашевич | 1973 | Избоскан тумани "Акбаробод" фермер хўжалиги раҳбари |
| **19-Хартум сайлов округи** | | |
| Тешабоев Турсунбой Қозихонович | 1960 | "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти Андижон вилояти филиали директори |
| **20-Чинобод сайлов округи** | | |
| Турсунов Пулатжон Усарович | 1976 | "Қишлоққурилишбанк" Қўрғонтепа тумани филиали бошқарувчиси |
| **БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | |
| **21-Бухоро сайлов округи** | | |
| Файзиева Дилором Ходжимуротовна | 1959 | "Алмаз" хусусий корхонаси директори |
| **22-Когон сайлов округи** | | |
| Раджабова Мавжуда Сайфиддиновна | 1957 | Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилояти ваколатхонаси раҳбари |
| **23-Шохруд сайлов округи** | | |
| Адизов Рашид Тўхтаевич | 1962 | Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти факультети декани |
| **24-Ибн Сино сайлов округи** | | |
| Жумаев Ғанижон Гафурович | 1975 | "Сабинатранссервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари |
| **25-Варахшо сайлов округи** | | |
| Қараев Ўлмас Сулаймонович | 1963 | Бухоро вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари |
| **26-Пайкент сайлов округи** | | |
| Болтаев Шавкат Хасанович | 1974 | Халқ банкининг Бухоро вилояти филиали бошлиғи ўринбосари |
| **27-Жилвон сайлов округи** | | |
| Сафаров Амрилло Камолович | 1960 | Бухоро вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори |
| **28-Ғиждувон сайлов округи** | | |
| Рашидов Умар | 1950 | Бухоро Давлат университети кафедраси мудири |
| **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | |
| **29-Жиззах сайлов округи** | | |
| Мухторова Назира Абдусатторовна | 1966 | Жиззах шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси |
| **30-Дўстлик сайлов округи** | | |
| Қадиров Алишер Келдиевич | 1975 | Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи |
| **31-Зарбдор сайлов округи** | | |
| Нормуратова Гулбаҳор Маматмурадовна | 1963 | Ўзбекистон "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармаси Жиззах вилояти бўлими раиси |
| **32-Ғаллаорол сайлов округи** | | |
| Қодиров Ғайрат Ўроқбоевич | 1973 | Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси |
| **33-Пахтакор сайлов округи** | | |
| Маматов Абдугафур Эшонқулович | 1955 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари |
| **НАВОИЙ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | |
| **34-Навоий сайлов округи** | | |
| Жумаев Баходир Рахматович | 1971 | «Garant insurans group» шўъба суғурта компанияси Навоий вилоят филиали директори |
| **35-Қизилтепа сайлов округи** | | |
| Ёрмаматов Муродулло Шомаматович | 1958 | "Ўздавлойиҳа" илмий-текшириш институти Навоий филиали директори ўринбосари |
| **36-Зарафшон сайлов округи** | | |
| Джўраева Зулҳумор Кимсанбаевна | 1958 | Зарафшон шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси |
| **37-Хатирчи сайлов округи** | | |
| Хўжамов Алишер Бекмуродович | 1968 | Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директори ўринбосари |
| **38-Нурота сайлов округи** | | |
| Акилов Алимжон Рахимович | 1958 | Ўзбекистон Миллий университети "Конституциявий ҳуқуқ" кафедраси доценти |
| **НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | |
| **39-Дўстлик сайлов округи** | | |
| Расулов Абдулла Нуритдинович | 1959 | Наманган Давлат университети "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири |
| **40-Сардоба сайлов округи** | | |
| Ахмадалиева Мархаматжон Сиддихоновна | 1952 | Косонсой тумани 43-сон умумтаълим мактаби директори |
| **41-Тошбулоқ сайлов округи** | | |
| Деҳқонов Шуҳрат Бегмирзаевич | 1971 | Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси |
| **42-Косонсой сайлов округи** | | |
| Апақов Муҳаммадаюбхўжа Пўлатович | 1968 | Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи |
| **44-Тўрақўрғон сайлов округи** | | |
| Лутфуллаева Шоира Рустамовна | 1973 | Наманган шаҳар 1-туғруқ комплекси бош шифокори |
| **45-Уйчи сайлов округи** | | |
| Рахманов Акмал Эргашевич | 1967 | Тошкент Давлат юридик институти Магистратура бўлими бошлиғи |
| **46-Учқўрғон сайлов округи** | | |
| Узоқова Зуҳра Садирдиновна | 1973 | Учқўрғон тумани Қўғай агросаноат касб-ҳунар коллежи директори |
| **47-Чортоқ сайлов округи** | | |
| Ҳамрахўжаева Дилафруз Шамсиддиновна | 1977 | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чортоқ туман кенгаши раиси |
| **48-Чуст сайлов округи** | | |
| Исматиллаев Улуғбек Тохиржанович | 1979 | Наманган вилояти Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи |
| **49-Янгиқўрғон сайлов округи** | | |
| Зокирова Мурибат Абдужаббаровна | 1967 | Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари |
| **САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | |
| **50-Регистон сайлов округи** | | |
| Зикирова Фарида Облоқуловна | 1966 | Самарқанд вилояти соғликни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси |
| **51-Суғдиёна сайлов округи** | | |
| Ҳакимова Зебинисо Аюбовна | 1960 | Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилоят Кенгаши бўлими бошлиғи |
| **52-Булунғур сайлов округи** | | |
| Аҳмедова Камбар Мусурманкуловна | 1966 | Самарқанд вилояти "Оила" илмий-амалий маркази директори |
| **53-Иштихон сайлов округи** | | |
| Мамаюсупов Абдусамад Қамбарович | 1958 | Самарқанд Давлат университети Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимининг бошлиғи |
| **54-Каттақўрғон сайлов округи** | | |
| Усаров Олим Авалбаевич | 1973 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси |
| **55-Қорадарё сайлов округи** | | |
| Маҳкамова Хабейба Мардановна | 1971 | Самарқанд вилояти Ёшлар Маркази қошидаги "Билим-Орзу" ўқув маркази директори |
| **56-Нарпай сайлов округи** | | |
| Юсупов Эркин Джўраевич | 1960 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси |
| **57-Оқдарё сайлов округи** | | |
| Махмудов Муродқобил Авазович | 1963 | Самарқанд вилояти адвокатлар ҳайъатининг юридик маслаҳатхонаси мудири |
| **58-Пастдарғом сайлов округи** | | |
| Насимова Ханим | 1954 | Самарқанд туман ФХДЁ бўлимининг мудираси |
| **59-Пайариқ сайлов округи** | | |
| Шерғозиев Абдукарим Исобекович | 1962 | "Пайариқ" адвокатлик фирмаси директори |
| **60-Самарқанд сайлов округи** | | |
| Норматов Фахриддин Тўйчиевич | 1964 | "Ўзмевасабзавот холдинг" компанияси бош мутахассиси |
| **61-Тайлоқ сайлов округи** | | |
| Тўхташев Абдил Касимович | 1955 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси |
| **62-Ургут сайлов округи** | | |
| Ҳазратқулов Ёқубжон Мўминқулович | 1960 | Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими раҳбари |
| **63-Қоратепа сайлов округи** | | |
| Турсунов Ахтам Саломович | 1954 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси |
| **СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | |
| **64-Гулистон сайлов округи** | | |
| Эсанова Олтиной Ахмадалиевна | 1958 | Сирдарё вилояти "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси директори |
| **65-Сайхун сайлов округи** | | |
| Джураев Эгамназар Имонқулович | 1969 | Сирдарё вилояти архитектура ва қурилиши бош бошқармаси бошлиғи |
| **66-Янгиер сайлов округи** | | |
| Мухаммадиева Ойниса Мустафақуловна | 1970 | Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлими бошлиғи |
| **67-Оқолтин сайлов округи** | | |
| Утаганов Юсуфжан Тагаевич | 1963 | Сирдарё вилояти Агросаноат мажмуаси ходимлари касаба уюшмаси раиси |
| **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | |
| **68-Шеробод сайлов округи** | | |
| Эламанов Байназар Мирзаевич | 1965 | "Термизсантехгазмонтаж" хусусий корхонаси директори |
| **69-Ангор сайлов округи** | | |
| Мукимова Адолат Шамирзаевна | 1955 | Сурхондарё вилояти болалалар шифохонаси врач-гемотологи |
| **70-Термиз сайлов округи** | | |
| Ядгарова Зебинисо Эсановна | 1974 | Термиз тумани "Дўстлик" қишлоқ врачлик пункти мудири |
| **71-Жарқўрғон сайлов округи** | | |
| Джўраева Дилфуза Джангировна | 1971 | Сурхондарё вилояти Телерадиокомпаниясининг "Иқтисодий кўрсатувлар" бўлими бошлиғи |
| **72-Қумқўрғон сайлов округи** | | |
| Джумаев Алишер Туробович | 1976 | Сурхондарё вилояти иқтисодиёт Бош бошқармаси бошлиғи |
| **73-Шўрчи сайлов округи** | | |
| Мажидов Ахмат Нажмиддинович | 1962 | Олтинсой тумани "Янги турмуш" фермер хўжалиги раҳбари |
| **75-Сариосиё сайлов округи** | | |
| Жумаев Акрам Гаффарович | 1962 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси |

(Давоми 4-бетда)

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

(Давоми. Боши 3-бетда)

| | | |
|---|---|---|
| **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | |
| **77-Ангрен сайлов округи** | | |
| Насриддинов Захидхон Шарабидинович | 1973 | Ангрен шаҳридаги "Ангрен-Ҳамкор-авто" масъулияти чекланган жамияти |
| **78-Бекобод сайлов округи** | | |
| Умирбаев Фахриддин Юлдашевич | 1972 | "Ғазалкент" очиқ акциядорлик жамияти бош директори |
| **79-Бўка сайлов округи** | | |
| Ваҳобов Ҳикматилла Абдуллаевич | 1964 | Бўка тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи |
| **80-Бўстонлиқ сайлов округи** | | |
| Умирзақова Дилфуза Тилабаевна | 1967 | Бўстонлиқ тумани Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори |
| **81-Зангиота сайлов округи** | | |
| Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович | 1974 | Тошкент Давлат аграр университетининг илмий-тадқиқот маркази директори |
| **82-Олмалиқ сайлов округи** | | |
| Коренев Игорь Анатольевич | 1966 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси |
| **83-Паркент сайлов округи** | | |
| Яхияева Малика Саидаҳмедовна | 1962 | Юқори Чирчиқ тумани "Муҳаббат Малика" фермер хўжалиги раҳбари |
| **84-Тўйтепа сайлов округи** | | |
| Юнусов Миразиз Мирағзамович | 1962 | Ўрта Чирчиқ тумани 25-сон умумтаълим мактаби директори |
| **85-Чиноз сайлов округи** | | |
| Султонова Мархабо Исмоиловна | 1961 | Ўрта Чирчиқ тумани 13-сон умумтаълим мактаби директори |
| **86-Чирчиқ сайлов округи** | | |
| Абдурахмонов Қарши Холходжаевич | 1961 | Чирчиқ шаҳар тиббий бирлашмаси "Саломатлик маркази" ташкилий услубий бўлими мудири |
| **87-Қибрай сайлов округи** | | |
| Аброрхўжаев Асрор Ахмедович | 1951 | Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканали бўлими бошлиғи |
| **89-Дўстобод сайлов округи** | | |
| Зокирова Ҳанифа Абдусолиевна | 1958 | Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлими бош мутахассиси |
| **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | |
| **90-Бешариқ сайлов округи** | | |
| Насриддинова Шоирахон Тўхтабоевна | 1967 | Бешариқ туман Халқ таълими бўлими Ахборот-ресурс маркази раҳбари |
| **91-Данғара сайлов округи** | | |
| Рахмонова Муқаддам Махмудовна | 1962 | Данғара тумани қишлоқ хўжалиги коллежи ўқитувчиси |
| **93-Қўқон сайлов округи** | | |
| Саидходжаев Собирходжа Султонходжаевич | 1965 | Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси |
| **94-Бағдод сайлов округи** | | |
| Холбеков Одилжон Назирович | 1972 | Ўзбекистон Ташқи иқтисодиёт фаолият Миллий банки Бувайда филиали бошқарувчиси |
| **96-Олтиариқ сайлов округи** | | |
| Мирзарахимов Раимжон Эгамбердиевич | 1962 | Охунбобоев тумани 1-умумтаълим мактаби директори ўринбосари |
| **97-Охунбобоев сайлов округи** | | |
| Бутаев Абдурашид Якубович | 1958 | Олтиариқ тумани "Ёқуб ота" фермер хўжалиги раҳбари |
| **99-Фарғона сайлов округи** | | |
| Норматов Анвар Тешабаевич | 1960 | «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг Фарғона вилоят бўлими бошқаруви раиси |
| **100-Водил сайлов округи** | | |
| Тўхлиев Жўрабой Назирович | 1959 | Фарғона вилояти «Чўли бобо» фермер хўжалиги раҳбари |
| **101-Тошлоқ сайлов округи** | | |
| Алимова Мавлуда Назрыддиновна | 1954 | Фарғона тумани 3-сон оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари |
| **102-Қува сайлов округи** | | |
| Қурбанов Равшан Ҳайдаралиевич | 1970 | "Ўздавуруғназорат" Маркази раҳбари |
| **103-Бувайда сайлов округи** | | |
| Қосимова Лобархон Улуғбековна | 1975 | Бувайда тумани Маънавият тарғибот маркази раҳбари |
| **104-Қувасой сайлов округи** | | |
| Ёрматов Саймуддин Тошмадович | 1955 | Қувасой шаҳри «Фарғона Ал-Сайком» хусусий корхонаси раҳбари |
| **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | |
| **105-Урганч сайлов округи** | | |
| Чўпонов Отаназар Отажанович | 1960 | Урганч Давлат университети Филология факультети декани |
| **106-Боғот сайлов округи** | | |
| Юсупов Эркинбой Сатимович | 1957 | Хонқа тумани «Уста Сатим» хусусий ишлаб-чиқариш фирмаси директори |
| **107-Гурлан сайлов округи** | | |
| Ражабов Бахтияр Шарифбаевич | 1975 | "Ўзқишлоқхўжаликмаш-лизинг" компанияси Хоразм вилояти филиали директори |
| **108-Хазорасп сайлов округи** | | |
| Отамуратов Сарвар Саъдуллаевич | 1973 | "Finance Sug'urta" очиқ акциядорлик жамияти бош директори ўринбосари |
| **109-Хонқа сайлов округи** | | |
| Авезов Шавкат Султанович | 1961 | Хоразм вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази бош шифокори, Олий Мажлиси Сенати аъзоси |
| **110-Хива сайлов округи** | | |
| Атоджонов Джумонозор Азодович | 1976 | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси ўринбосари |
| **111-Шовот сайлов округи** | | |
| Ёрметов Азимбой Рўзиевич | 1961 | Шовот тумани "Темир-бетон" хусусий корхонаси раҳбари |
| **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | |
| **112-Қарши сайлов округи** | | |
| Муродова Машхура Ўткировна | 1966 | Қарши шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси |
| **113-Бешкент сайлов округи** | | |
| Сайимов Салим Сайимович | 1970 | Қарши шаҳар санъатшунослик коллежи директори |
| **114-Қамаши сайлов округи** | | |
| Хаитов Урал | 1956 | Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти проректори |
| **115-Нишон сайлов округи** | | |
| Эшмуродов Арслан Ҳусанович | 1976 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси |
| **116-Косон сайлов округи** | | |
| Эгамбердиева Салима Райимовна | 1968 | Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти "Бухгалтерия хисоби ва аудит" кафедраси доценти |
| **117-Касби сайлов округи** | | |
| Саидов Акмал Холматович | 1958 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси |
| **118-Китоб сайлов округи** | | |
| Умирова Мусаллам Исламовна | 1971 | Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари |
| **120-Шахрисабз сайлов округи** | | |
| Ёзиев Муродилла Хабибуллаевич | 1965 | "Мевалар лаззати" масъулияти чекланган жамияти директори |
| **121-Яккабоғ сайлов округи** | | |
| Муҳаммадиев Улуғбек Насриддинович | 1971 | Минтақавий сиёсат жамғармаси директори |
| **122-Ғузор сайлов округи** | | |
| Зулфиқаров Шерзод Хуррамович | 1978 | Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси |
| **123-Насаф сайлов округи** | | |
| Ахмедов Зокир Анварович | 1973 | Қарши шаҳридаги М.Тошмухаммедов номли вилоят театри директори |
| **ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:** | | |
| **124-Оқтепа сайлов округи** | | |
| Раҳманова Дилбар Зариповна | 1956 | Тошкент Солиқ коллежи директори ўринбосари |
| **125-Дархон сайлов округи** | | |
| Жуманиязова Ҳалима Тагановна | 1958 | Республика Маънавият тарғибот марказининг ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлими мудири |
| **126-Темирйўлчилар сайлов округи** | | |
| Азамат Зиё Ҳамид ўғли | 1963 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси |
| **127-Қорақамиш сайлов округи** | | |
| Бабаев Джахонгир Исмаилбекович | 1976 | Тошкент Давлат юридик институти «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси доценти |
| **128-Саноат сайлов округи** | | |
| Ҳайдарова Жамила Мусаевна | 1961 | "Соғлом авлод" газетаси бўлим муҳаррири |
| **130-Бодомзор сайлов округи** | | |
| Вахидов Варис Баситович | 1952 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси девони бўлим мудири ўринбосари |
| **131-Астробод сайлов округи** | | |
| Абдуллаев Илхом Зайрович | 1965 | Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари Ассоциацияси ижрочи директори |
| **132-Тўқимачи сайлов округи** | | |
| Аюпов Дониёр Эркинович | 1972 | Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси |
| **133-Кўкча сайлов округи** | | |
| Махмудова Гулираъно Шомақсудовна | 1954 | "Нуронийлар оромгоҳи" сиҳатгоҳи бош шифокори ўринбосари |
| **134-Қўйлиқ сайлов округи** | | |
| Булатов Саидахбор Собитович | 1952 | Тошкент Давлат педагогика университети амалий санъат кафедраси мудири |
| **135-Шайхонтоҳур сайлов округи** | | |
| Болтабаев Махмуд Мадреймович | 1965 | Шайхонтохур тумани "Хувайдо-мебель" масъулияти чекланган жамияти директори |

## 8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

# Миллий таълим тизими

### шахснинг баркамол, комил инсон бўлиб вояга етишишида билим олиш ҳуқуқини давлат томонидан кафолатланиши муҳим аҳамият касб этади

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Шунингдек, мамлакатимизда таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратиш мақсадида 1997 йил 29 август куни Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Мазкур Миллий дастурнинг қабул қилиниши таълим соҳасини ривожланишида жиддий бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди.

Миллий дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларни уч босқичда рўёбга чиқарилиши белгиланди. **Биринчи босқич** 1997-2001 йилларни ўз ичига олиб, ушбу босқичда мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш мақсад қилинди.

**Иккинчи босқич** 2001-2005 йилларни ўз ичига олиб, ушбу босқичда миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш белгиланди. Шунингдек, таълим-тарбияни сифатини таъминлаш бош вазифа сифатида белгиланган бу босқичда таълим фаолиятининг самарадорлигини ошириш, рақобатбардош, малакали мутахассис кадрларни тарбиялаб етиштириш соҳасида юксак ижобий натижаларга эришилди.

**Учинчи босқич** 2005 ва ундан кейинги йилларни ўз ичига олиши ва мазкур босқичда тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш мақсад қилиб қўйилди.

Мустақиллигимизни ўтган даври мобайнида таълимнинг ўз ичига мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимни қамраб олувчи янги узлуксиз ва изчил тизими барпо этилди. Шунингдек, олий касб-ҳунар таълимининг бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни назарда тутувчи икки босқичли тизими жорий этилди. Аспирантура ва докторантура фаолияти ривожланиб, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича рақобатбардош таълим муассасалари вужудга келтирилди.

Ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ноёб бўлган ушбу дастур 12 йиллик таълимга ўтишни, узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини яратишни кўзда тутади. Дастур умумтаълим мактабларидаги тўққиз йиллик ўрта таълимни, академик лицей ва коллежлардаги уч йиллик махсус касбга тайёрлаш тизимини ўз ичига олади.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этилган академик лицейлар ёшларга ўзи танлаган мутахассислик бўйича олий маълумот олиш учун янада чуқур билим эгаллаш, коллежлар эса махсус фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир битирувчи йигит-қизга ўз қобилиятини юзага чиқариш ва жамиятда муносиб ўрин топиш учун 2-3 мутахассислик бўйича ўрта малакали касб эгаллаш имконини беради.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳам амалга оширилмоқда.

Янги миллий таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги дарсликлар ва махсус ўқув қўлланмалари яратиш орқали таълим жараёнининг мазмуни тубдан такомиллаштирилди. Ихтисослашган олий ўқув юртларида академик лицей ва коллежлар учун замон талабларига жавоб берадиган янги тоифадаги ўқитувчиларни тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди.

Олий таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Табиий ва аниқ фанларнинг ядро физикаси, иссиқлик физикаси, астрофизика, гелиоматериалшунослик, биология, микробиология, кимё ва табиий бирикмалар кимёси, сейсмология йўналишларида ва бошқа кўплаб соҳаларда истиқболли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Айни дамда юртимизда замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш жараёни ривожланиб бормоқда. Шу жумладан, таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мавқеи ошиб борди. Телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланди. Фан ва таълимнинг нашриёт базаси ривожлантирилди, ўқув, ўқув-услубий, илмий, қомусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилмоқда. Шунингдек, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозори шакллантирилди. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари фаолияти ривожлантирилиб, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилди ҳамда таълим хизмати кўрсатиш бозори давлат йўли билан бошқариб борилмоқда. Асосий таълим дастурларида назарда тутилмаган консультатив ва қўшимча таълим хизматларидан иборат пуллик таълим хизмати кўрсатиш тизими ҳам ривожланмоқда.

Давлатимиз томонидан фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш мақсадида етарлича шароитлар яратилган. Хусусан, давлат бюджетидан каттагина маблағларни таълим соҳасини ривожлантирилиши учун ажратилаётганлиги орқали соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Замонавий, илмий-педагогик ўқитиш услублари таълимни сифат жиҳатдан бойитмоқда.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида юртимизда таълим олувчиларга бир қатор имтиёзлар берилган. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида ҳукумат қарорига мувофиқ олий ўқув юртларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб тўлаш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш амалиётга жорий этилди.

Хорижий мамлакатларнинг таълим муассасаларида таҳсил олган фуқароларимиз учун давлатимиз томонидан катта имконият яратилди. Бунга кўра уларнинг хориж олийгоҳида олган дипломи давлатимизни ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган тартибда тан олиниб, нострификация (эквивалентлигини қайд этиш) қилинганидан кейин улар мамлакатимизда ўқишини давом эттириш ёки касбий фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланди. Бу бўйича 2000 йилнинг 25 июлида "Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида" Ҳукумат қарори қабул қилинди. Шунингдек, 1-синф ўқувчиларини ўқув анжомлари комплекти билан, кам таъминланган оилалардаги ўқувчиларни қишки кийим-бош комплекти билан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни кийим-кечак, пойафзал, озиқ-овқат ва стипендия билан ҳамда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалардаги ўқувчи болаларни, айниқса қизларни спорт формалари ва анжомлари билан бепул таъминлаш Давлат дастурининг асосий вазифаларидан қилиб белгиланди.

Юртбошимиз айтганларидек, ҳеч шубҳасиз, бугун таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Шерзод РАБИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Ҳамжиҳатлик – муваффақият гарови



**Аскарбай Минажович Утемуратов**

Ёш бўлсада интилувчанлиги билан катта тажриба орттирган Аскарбой Утемуратов иш фаолиятида масъул лавозимларни эгаллаб, баракали меҳнат қилиб келмоқда.

Аскарбай Минажович Утемуратов 1972 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида туғилган. 1995 йилда Нукус Давлат педагогика институтини, 2000 йилда Тошкент Молия институтини тугатган. Ихтисоси — муҳандис-ўқитувчи, иқтисодчи. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Аскарбай Утемуратов меҳнат фаолиятини 1989 йилда Чимбой тумани қурилиш бригадасида ишчи бўлиб бошлаган. Нукус Давлат педагогика институтини тугатгач, Чимбой тумани 5-сонли лицейда ҳисобчи сифатида фаолият юритди. 1996-2002 йилларда Чимбой тумани Давлат солиқ инспекцияси инспектори, солиқ тушуми коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик иши бўйича бош мутахассиси, 2002-2008 йилларда эса тумандаги "Чимбой мой" очиқ акциядорлик жамияти раисининг тайёр маҳсулотларни сотиш ва тақсимлаш бўйича ўринбосари лавозимида ишлади. 2008 йилдан ҳозирги вақтгача "Чимбой мой" очиқ акциядорлик жамияти раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

У раҳбарлик қилаётган жамоада ўзи ҳам, қўл остидаги ишчиларини ҳам доимо фаол, ташаббускор бўлишга ундаб, ишда юқори натижа ва сифатга эришишнинг асосини шунда деб билади. Жамоадошлари уни етук, ўз касбини пухта ўзлаштирган мутахассис сифатида ҳурмат қилади ва унга эргашади.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Аскарбай Минажович Утемуратов 6-Чимбой сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Келажак ёшлар қўлида



**Мурат Шамуратович Таджетов**

М.Таджетов ўсиб-униб келаётган ҳар бир авлод янги замон кишиси эканлигини теран ҳис қилган ҳолда ёшлар билан алоҳида шуғулланиб, уларнинг замонавий талабларига жавоб берадиган, орзу интилишларига монанд, миллий ғурурни уйғота оладиган эзгу ғоялар ва ташаббусларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Мурат Шамуратович Таджетов 1973 йил Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл туманида туғилган. 1994 йилда Нукус Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Ихтисоси — рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

М.Таджетов меҳнат фаолиятини 1994 йил Қонликўл туманидаги 20-сонли мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. У 1995-1996 йилларда Қонликўл туманидаги 18-сонли ўрта мактабда ўқитувчи, 1997 йилгача туман "Маҳалла" жамғармасида раис, 1997-1998 йилларда туман ички ишлар бўлимида катта инспектор сифатида фаолият кўрсатди. Шундан сўнг 2001-2004 йилга қадар Қонликўл туманидаги 1-сонли мактаб-лицейда ўқитувчи, туман "Маънавият ва маърифат" марказида раҳбар, туман ҳокимининг ижтимоий масалалари бўйича ўринбосари лавозимларида иш юритди.

2004 йилдан бошлаб Қонликўл тумани саноат-транспорт касб-ҳунар коллежи директори вазифасини бажариб келмоқда.

Унинг раҳбарлиги ва ташаббускорлигида кўплаб ғоявий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий мавзуларда давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ташкил этилиб, билим даргоҳидаги йигит-қизларнинг фаоллиги ортди. Бу жараёнда М.Таджетов ёшларни Ватанга садоқат руҳида, баркамол инсон этиб тарбиялаш, болалар ўртасида спортни ривожлантириш, фуқароларни доимий огоҳликка даъват этиш, кам таъминланган аҳоли ва уларнинг фарзандларига инсонпарварлик ёрдамларини уюштириш каби хайрли ишларни амалга оширди.

М.Таджетов меҳнатсевар, жонкуяр, фидойи устоз сифатида касбдошлари, ота-оналар ва ўқувчилар орасида ҳурмат топди.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Мурат Шамуратович Таджетов 7-Орол сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Комиллик сари



**Джамиля Абдиқадировна Ниязова**

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, мавқеи, фаоллик даражаси жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Джамиля Ниязова сингари илм-маърифатли хотин-қизлар сонининг ортиб бораётганлиги миллатимизнинг, юртимизнинг келажаги учун хизмат қилади.

Джамиля Абдиқадировна Ниязова 1958 йил Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида туғилган. 1980 йилда Тошкент Давлат университетининг юридик факультетини тамомлаган. Ихтисоси — ҳуқуқшунос. 1985 йилда М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг юридик факультети аспирантурасида ўқиган. Юридик фанлар номзоди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси. 2005 йилда "Дўстлик" ордени билан мукофотланган.

Д.Ниязова меҳнат фаолиятини 1980 йилда Нукус Давлат университетининг ҳуқуқшунослик кафедрасида ўқитувчиликдан бошлаган. 1985 йилда аспирантурани тугатгач, фаолиятини Қорақалпоқ Давлат университети ўқитувчиси, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида давом эттирган. 1989-1992 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари вазифасида фаолият юритган. 1992-2004 йилларда Қорақалпоқ Давлат университетининг катта ўқитувчиси, кафедра мудири вазифасини бажарувчиси, кафедра мудири, доцент, юридик клиника директори лавозимларида ишлаган.

Д.Ниязова жамоатчилик асосида "Тадбиркор аёл" ишбилармон аёллар ассоциацияси Қорақалпоғистон бўлими раиси лавозимида иш олиб борган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ривожланиш дастури томонидан молиялаштирилган "Қорақалпоғистонда микрокредитлаш дастури", "Қорақалпоғистонда турмуш даражасини ошириш" ва «Осиё тараққиёти банки» билан ҳамкорликда "Қорақалпоғистонда турмуш даражасини ошириш бўйича инновацион методлар" ва қатор бошқа лойиҳаларни амалга ошириб, хотин-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бу борадаги билимларини кучайтириш, уларга микрокредитлар бериш учун хорижий сармояларни жалб қилишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келган.

2004 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган Д.Ниязова бугунги кунга қадар қуйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Д.Ниязова қонун яратиш жараёнида фаол қатнашиб, қатор қонунлар лойиҳаларини Қонунчилик палатаси муҳокамасига олиб чиқди, қонун ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланди. Шунингдек, ўзи фаолият кўрсатган қўмита томонидан тайёрланиб, муҳокамага киритилган меҳнат ва ижтимоий масалаларга оид ва бошқа қонун лойиҳаларининг такомиллаштирилиши ва қабул қилинишида фаол иштирок этди.

Қўмитанинг амалдаги қонунларни назорат ва таҳлил қилиш ишларида қатнашиб, ташкилотчилик қобилиятини намоён этди.

Ўтган давр мобайнида Д.Ниязова ўз сайловчилари билан 70 га яқин учрашувлар ўтказди, фуқароларнинг 90 га яқин ёзма мурожаатларини ўрганиб чиқиб, уларнинг ижобий ҳал этилишига кўмаклашди. Депутатлик даврида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида 100 га яқин чиқишлар қилди.

Д.Ниязова мамлакатда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва ислоҳотлар тўғрисида халқаро анжуманларда ҳам маърузалари билан қатнашди. У "Ўзбекистон-Корея" парламентлараро гуруҳи ва ЕвроОсиё иқтисодий ҳамкорлиги Парламентлараро Ассамблеясининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Д.Ниязова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш ижтимоий жамғармасини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзосидир. Мазкур фаолиятида ижтимоий муносабатларни ўрнатиш мақсадида нодавлат институтлар вакиллари билан кўплаб учрашувлар ўтказди.

Джамиля Абдиқадировна Ниязова дунёқараши кенг, таҳлил ва тадқиқ этиш қобилиятига эгалиги, оққўнгил ва меҳнатсеварлиги билан ҳамкасблари орасида катта ҳурматга эга.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Джамиля Абдиқадировна Ниязова 8-Оқманғит сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ташкилотчи аёл



**Манзурахон Пазлиддиновна Юнусова**

Бундай фазилат ёхуд сифат ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Лекин Манзурахон Пазлиддиновна Юнусова ҳали нисбатан ёш (1971 йилда туғилган) бўлса-да кўпгина ютуқларга эришган.

Манзурахон Юнусова Андижоннинг Олтинкўлида туғилган. Андижон Давлат педагогика институтининг тарих факультетини 1994 йилда тамомлади.

Илмий салоҳиятини янада ошириш мақсадида 1999-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси аспирантурасида таҳсил олди. 2005 йилда "Ўзбекистонда сиёсий институтлар фаолиятини эркинлаштириш жараёнлари" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, сиёсий фанлар номзоди илмий даражасига эга бўлди. У 2 та рисола, 6 та ўқув-услубий қўлланма, 30 га яқин тезис ва илмий мақолалар муаллифи. Ҳозирда "Сиёсий институтлар фаолиятини эркинлаштириш жараёнлари: хорижий тажриба ва миллий жиҳатлар" мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

М.Юнусованинг меҳнат фаолияти Андижон Давлат университети билан чамбарчас боғлиқ. Дастлаб университет тарих факультети "Ўзбекистон тарихи" кафедрасида ассистентлик қилди.

1998 йилдан университетнинг "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, 2008 йил июлдан буён кафедра мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

М.Юнусова дарслар ўтишда ноанъанавий усуллардан фойдаланади. У фақат жадвалдаги дарслар билан чекланиб қолмасликка ҳаракат қилади. Шунинг учун бўлса керак кафедра қошида 2 та илмий тўгарак ташкил этиб, 100 нафардан ортиқ талабани сиёсий фанларга қизиқтира олди.

М.Юнусова ташкилотчилиги, янгиликка интилиши, илм йўлидаги фидойилиги, ижобий таклифлари билан жамоа ҳурматини қозона олди. Ҳали ёш бўлишига қарамай кафедрадаги 13 нафар профессор-ўқитувчига бошчилик қилмоқда. Талаба ва профессор-ўқитувчилар уни қаттиққўл раҳбар, адолатли ўқитувчи, содиқ дўст, талабчан илмий тадқиқотчи сифатида эътироф этишади.

Манзурахон Юнусова Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вилоят кенгаши фаолларидан бири ҳисобланади.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Манзурахон Пазлиддиновна Юнусова 9-Андижон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Аёллар ҳуқуқи тарғиботчиси



**Холидахон Телмановна Мирзарахимова**

Шундай одамлар бўладики, жамоат ишини деб ҳатто ўзининг асосий касбини ҳам ўзгартира олади. Холидахон Мирзарахимовани ана шундай кишилар сирасига киритиш мумкин.

Холидахон Телмановна Мирзарахимова 1960 йилда Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманида туғилган. У 1983 йилда Андижон Давлат тиббиёт институтининг даволаш мутахассислигини тамомлаган.

Дастлаб Андижон шаҳар 3-туғруқ уйида акушер-гинеколог, 1985-1995 йилларда Жалақудуқ тумани марказий туғруқхонасида врач-акушер гинеколог, 1998 йилда Андижон шаҳар 3-поликлиникасида бош врач ўринбосари, 2000 йилда Андижон вилояти "Бўстон" хотин-қизлар маркази раҳбари, 2004-2008 йилларда "Бунёдкор аёл" Республика уюшмасининг Андижон бўлими раҳбари вазифаларида ишлади. 2008 йилнинг февраль ойидан бошлаб, Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитаси қошидаги "Меҳримиз сизга" аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказига бошчилик қилмоқда.

У ўзига юклатилган ҳар қандай вазифани сидқидилдан, масъулиятни ҳис қилган ҳолда амалга оширади. Буни унинг Жалақудуқ тумани марказий туғруқхонасида врач-акушер гинеколог вазифасида ишлаганида ҳам яққол кузатиш мумкин. Ана шу муддат давомида хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиклаш, соғлом онадан соғлом фарзандларни дунёга келтириш бўйича самарали иш олиб борди. Шунингдек, вилоят хотин-қизларининг тиббий, ижтимоий, ҳуқуқий билимларини ошириш, аёлларнинг жамиятда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш ва фаоллаштиришда муносиб ҳисса қўшди.

Х.Мирзарахимова изланувчан ва меҳнатсевар аёл. У ҳозирда оилаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, миграцион жараёнлар ва одам савдосига қарши кураш бўйича самарали фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари жамоатчилик асосида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилояти кенгаши «Аёллар қаноти»га ҳам раҳбарлик қилмоқда.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Холидахон Телмановна Мирзарахимова 10-Олтинкўл сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Саховатли инсон



**Улугбек Халимович Исамитдинов**

Халқимизда сен бирни берсанг, сенга мингни беради, деган нақл бор. Улуғбек Халимович Исамитдиновнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти мазмунини ана шундай ақидага қиёслаш мумкин. У 1963 йилда Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида туғилган. 1985 йилда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг трикотаж ишлаб чиқариш технологияси мутахасислигини тамомлади.

Институтни битиргач 1985-1992 йилда Андижон трикотаж фабрикасида инженер-технолог бўлиб ишга кирди.

1992-1993 йилларда "Кубо-М" ишлаб чиқариш ва савдо фирмасида раҳбар, "Нуроний" жамғармаси Шаҳрихон туман бўлими ижрочи директори лавозимларида фаолият олиб борди. 2004 йилдан ҳозирга қадар "Анд-КУБО" хусусий корхонасини бошқариб келаяпти.

У раҳбарлик жараёнида ўзининг билими, тажрибаси ва яхши хулқ-атворини намоён қила олди. Шу боис ҳам жамоада катта ҳурматга эга. Ишчи ва хизматчиларга нисбатан ғамхўр, уларга беминнат ёрдамини аямайди. У нафақат фирма, балки туман миқёсидаги барча тадбирларда ҳам фаол иштирок этади. Кам таъминланган оилаларга беминнат ёрдам бериб келмоқда.

У.Исамитдинов, айниқса, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, янги замонавий технологияларни жорий этиш билан боғлиқ жараёнларда ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, ҳунармандчиликни ривожлантириш воситасида ёшларга янги иш ўринлари ташкил қилишга амалий жиҳатдан катта ҳисса қўшмоқда.

У нафақат тадбиркорлик соҳасида, балки Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Шаҳрихон тумани кенгаши фаолларидан ҳисобланади.

Асосий иши билан нақадар банд бўлмасин жамоат ишлари учун ҳам вақт топади. Одамларни тушуна олиш қобилиятига эга. Одамларнинг муаммо ва талабларига эътибор ва хайрихоҳлик билан қарайди. Янги имкон, восита ва услубларни қидириб топа олади.

У ўзида энг яхши инсоний хислатларни мужассамлаштирган. Изланувчан, ташаббускор, дунёқараши кенг, мантиқий ва асосланган фикр айтишга қодир. Маънавий етук, сиёсий-ҳуқуқий билим савияси юқори.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Улугбек Халимович Исамитдинов 11-Бўз сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Икки соҳа мутахассиси



**Қахрамонжон Қобилжонович Отахонов**

Қаҳрамонжон Отахонов ўз фаолиятининг асосий қисмини ўқиб-ўрганиш ва малака оширишга бахшида этди, десак муболаға бўлмайди.

Илмни ҳаёт йўлини ёритувчи нур деб билган Қ.Отахонов 1976 йилда Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида туғилган. 1999 йилда Фарғона Давлат университетининг иқтисодчи мутахассислигини, 2008 йилда Фарғона Давлат политехника институтининг бино ва иншоотлар қуриш мутахассислигини, 2009 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабини тамомлади.

Қ.Отахонов 1994 йилда Шаҳрихон туман "Қахрамон" хусусий воситачилик дўконида иқтисодчи, 1996-1997 йилларда "Ривож" хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмасида таъминотчи, 1997-2003 йилларда Шаҳрихон туманидаги "Ривож-Тяньжин" Ўзбек-Хитой қўшма корхонасида директор, 2003-2009 йилларда "Шаҳрихон савдо базаси" масъулияти чекланган жамияти раиси лавозимларида ишлади. 2009 йилдан ҳозирги кунгача Шаҳрихон тумани машина трактор парки акционерлик жамияти кузатув кенгаши раиси сифатида фаолият олиб бормоқда.

У бизнес ва тадбиркорлик фаолияти давомида Андижон вилояти миқёсида аҳолига зарур бўлган иқтисодий-ижтимоий ва маданий инфратузилмаларни шакллантириш, замонавий қулайликлар яратиш ва сифатли хизмат кўрсатиш тизимининг йўлга қўйилишида муносиб ҳиссасини қўшди.

Айниқса, унинг вилоятда тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш борасидаги хизматлари ўрнак бўларли даражада.

Қ.Отахонов турли соҳаларда мингга яқин янги иш ўрни ташкил этишда бошқош бўлди.

Қолаверса, унинг жамоат ишларида фаоллиги ҳам таҳсинга сазовор. Қаҳрамонжон Отахонов Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вилоят ва туман кенгаши фаолларидан ҳисобланади. У партиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Зиммасига юклатилган ҳар қандай вазифани масъулият билан ижро этади. Ўзи ва ходимларга нисбатан талабчан, касбдошлари ҳурмат-эътиборига сазовор инсон.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Қахрамонжон Қобилжонович Отахонов 12-Шахрихон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Файласуф олим



**Қодиржон Одилов**

Қодиржон Одилов 1952 йилда Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида туғилган. 1977 йилда Андижон Давлат педагогика институтининг тарих факультетини тугатди.

Дастлаб Андижон вилоят ўлкани ўрганиш музейида катта илмий ходим, 1978-1993 йилларда Андижон Давлат тиббиёт институтининг "Фалсафа" кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида ишлади. 1988-1991 йилларда ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг аспирантурасини тамомлади ва 1992 йилда фалсафа йўналишида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1993 йилдан Андижон Иқтисодиёт ва бошқарув институтининг "Ихтимоий сиёсий жараёнларни бошқарув" кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, 1995-1996 йиллари шу институт базасида ташкил топган Андижон Муҳандислик-иқтисодиёт институтида катта илмий ходим, 1997 йилдан институт маънавият-маърифат марказининг бошлиғи, кафедра доценти, 2005 йилдан «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси доценти лавозимларида фаолият юритди.

Қодиржон Одилов жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Масалан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари, 2005 йилдан Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Захирадаги кадрлар мактаби" директори, 2006 йилдан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Андижон филиалида етакчи илмий ходим, 2009 йилдан шу институт базасида ташкил этилган Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Андижон минтақавий ахборот-таҳлил марказига бош илмий ходим сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Уни ҳамкасблари ва талабалар ҳам олим, ҳам жонкуяр инсон сифатида эътироф этишади.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Қодиржон Одилов 15-Хўжаобод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Инновацион усуллар тарғиботчиси



**Дилфузахон Эргашовна Иминжонова**

Янгиликка интилиш энг ноёб хислатлардан бири ҳисобланади. Бу маълум маънода тараққиёт даражасини ҳам белгилайди.

Дилфузахон Иминжонова ана шундай аёллардан бири. Унинг таржимаи ҳоли ҳам оддий: 1965 йилда Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида туғилган. 1988 йилда Тошкент Давлат педагогика институтининг чет тиллар мутахассислигини тамомлади. Ихтисоси — немис тили ўқитувчиси. У ўз фаолиятининг асосий қисмини ёшлар тарбиясига бағишлади.

Дастлаб Жалақудуқ туманидаги 7-ўрта мактабда ёшларга етакчилик қилди. 1994-2001 йилларда ана шу мактабда маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари, 2001 йилда Жалақудуқ туман халқ таълими бўлимида немис тили фани услубчиси, 2001-2004 йилларда тумандаги 10-умумтаълим мактабида маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари, 2004 йилда тумандаги 7-умумтаълим мактабида директор, 2008 йил мобайнида Жалақудуқ туманидаги 10-умумтаълим мактабида маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимидан сўнг Жалақудуқ туман "Маънавият тарғибот маркази" бўлими раҳбари вазифасига тайинланди. Шу йилнинг октябрь ойидан буён Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жалақудуқ туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси вазифасида фаолият олиб бормоқда.

Д.Иминжонова таълим соҳасидаги фаолияти давомида уни бугунги кун талабларига хос ва мос равишда ривожлантириш, ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, таълимда инновацион усулларни юксалтириш, ўқув-тарбия жараёнига янгича педагогик технологияларни жорий этиш каби ишларга муносиб ҳисса қўшди.

Д.Иминжонова Жалақудуқ туман "Маънавият тарғибот" марказидаги фаолияти мобайнида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг буюк аждодлар руҳида камол топиши, Ватанга муҳаббат ҳиссини ошириш борасида бир қатор амалий тадбирларни ташкил этди.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Дилфузахон Эргашовна Иминжонова 16-Пахтаобод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Интизом — самарадорлик воситаси



**Қудратилла Эргашевич Ўрақов**

- Табиат ва жамиятдаги ҳамма нарса қатъий интизомга риоя қилади ва ана шу асосда ҳаракат қилади. Шу боис қаерда интизом бўлса, ўша ерда иш юришади,- дейди Қудратилла Ўрақов ва бунга ўзи ҳам амал қилади.

Қ.Ўрақов меҳнатсеварлиги, ҳар бир масалага чуқур мулоҳаза билан ёндашиши, ўзининг касбий ва малакавий билимларини ошириш учун изланувчанлиги билан ажралиб туради. Тажрибали, ташаббускор ва талабчан раҳбар, меҳнат жамоасида уюшқоқлик билан самарали иш ташкил этиш қобилиятига эга. Атрофидагилар билан самимий мулоқотга киришади, одамларни ўз ортидан эргаштира олиш қобилиятига эга. У шунингдек, топшириқларни аниқ ва пухта бажариш учун бор имкониятини ишга солади, бошқарувнинг самарали усулларини иш фаолиятида қўллай олади. Мустақил қарорлар қабул қилиш, ижро интизомини таъминлаш борасида етарли малакага эга.

Қудратилла Эргашевич Ўрақов 1973 йилда Андижон вилоятининг Избоскан туманида туғилган. 2008 йилда Андижон Қишлоқ хўжалиги институтини тамомлади.

У меҳнат фаолиятини 1994 йилда Избоскан тумани Халқ таълими бўлимига қарашли "Ёш табиатшунослар" масканида боғдорчилик тўгараги раҳбарлиги вазифасидан бошлаган. 2003 йилда Избоскан тумани "Акбаробод" боғдорчилик фермер хўжалиги раиси вазифасида, 2006-2007 йилларда "Ёш табиатшунослар" масканида директор, 2007-2008 йилларда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида бўлинма бош мутахассиси, 2008 йилда Андижон вилоят "Ғўза уруғчилик бирлашмаси"да мутахассис, 2009 йилдан жамоатчилик асосида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Избоскан туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

**Қудратилла Эргашевич Ўрақов 18-Избоскан сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Фермерларга кўмакчи



**Хатам Ахмаджанович Мамарасулов**

Янги нарса очиш ёки ташкил қилиш осон иш эмас. Шу боис ҳамма бунга журъат қилолмайди. У дастлабки босқичда кимнингдир кўмаги ёки ёрдамига муҳтож бўлади. Ана шуни чуқур англаган Хатам Мамарасулов, айниқса энди иш бошлаган фермер бўладими, тадбиркор бўладими яқиндан кўмак беришга интилади. Иш фаолиятида ана шуни асосий мезон қилиб олган Хатам Ахмаджанович Мамарасулов 1966 йилда Андижон шаҳрида туғилган. 1992 йилда Москва шаҳридаги Губкин номидаги Нефть ва газ институтини тамомлаган.

У дастлаб Андижон нефт базасида бош механик вазифасида иш бошлайди. 1994 йилдан "Андижоннефтьмаҳсулот" корхонасида тижорат шартнома бўлимини бошқаради, сўнгра шу корхонага қарашли бир неча ҳудудий нефть базаларида, ундан сўнг "Андижон нефть базаси" корхонаси директорлик қилади. Уч йил "Андижоннефтьмаҳсулот" корхонасида директор ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатади.

Х.Мамарасуловга хос яна бир хислат шундан иборатки, у билим ва малакасини мунтазам ошириб боришга ҳаракат қилади. Шу сабабли ҳам 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олди.

2003-2004 йилларда "Ўзнефтгазишчитаъминот"да бош директор, 2004-2006 йилларда "Водийнефтгазишчитаъминот" очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси лавозимларида ишлайди.

2006 йилдан ҳозирги вақтгача "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси "Андижоннефтбаза" унитар корхонаси директори, шунингдек, жамоатчилик асосида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажариб келяпти.

У қаерда ишламасин, юксак ақлий салоҳияти, бой тажрибаси, вазифасига нисбатан қатъий интизоми, масъулиятлилиги, ходимларга бўлган талабчанлиги ва керакли пайтда ўз ёрдамини аямаслиги билан ажралиб туради.

Юқорида эслатганимиздек Х.Мамарасулов иш фаолияти давомида вилоятда янги ташкил этилган фермер хўжаликларига ёқилғи ташиш шаҳобчаларини ишга тушириш, янги шаҳобчаларда хизматларни ташкил этиш ва уларни малакали кадрлар билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб келган.

Х.Мамарасулов вилоятда истеъмолчиларнинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш масалаларида сидқидилдан ҳисса қўшиб келмоқда. – Жойлардаги айрим муаммоларни янги иш ўринлари яратиш ва кўпайтириш воситасида ҳал қилиш мумкин,- дейди у.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Хатам Ахмаджанович Мамарасулов 14-Марҳамат сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Давр билан ҳамнафас



**Абдурашид Турсунович Тўхтабаев**

Абдурашид Тўхтабаев 1953 йилда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида туғилган. Унинг иш фаолиятида илм билан амалиёт уйғунлигини кузатиш мумкин. 1977 йилда Тошкент Политехника институтининг Қурилиш иқтисодиёти ва уни ташкил этиш мутахассислигини тамомлади. 1981-1984 йилларда Москва бошқарув институти аспирантурасида таҳсил олиб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

А.Тўхтабаев 1977-1981 йилларда Тошкент Политехника институтида кичик илмий ходим, ассистент ва изланувчи-тадқиқотчи вазифаларида, 1984–1992 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Андижон филиалида ассистент, доцент ва директор ўринбосари, 1992-1995 йилларда Андижон Иқтисодиёт ва бошқарув институтида ўқув ва илмий ишлар бўйича проректор, 1995-2005 йилларда Андижон Муҳандислик-иқтисодиёт институтида ўқув ишлари бўйича проректор ва "Менежмент" кафедраси мудири лавозимларида фаолият юритди. 2001-2004 йилларда ўриндошлик асосида Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги кадрлар заҳираси мактабида директор вазифасида ишлади. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди. 2005 йилдан ҳозиргача Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси лавозимида фаолият олиб бормоқда.

У Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасидаги фаолияти давомида ўзининг ижодий, аналитик ва ташкилотчилик қобилиятларини намоён қилган ҳолда қонунларни ишлаб чиқиш, мукаммаллаштириш, муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнларида фаол иштирок этмоқда. 7 та қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилишига ва қабул қилинишига масъул бўлган, ҳар йилги Давлат бюджетини тайёрлаш ва қабул қилинишида ҳамда унинг ижроси бўйича таҳлилий материалларни тайёрлаш ва муҳокамасини ўтказишда бевосита иштирок этмоқда.

Бундан ташқари мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози муаммолари таҳлили, шунингдек бюджет, молия ва солиқ сиёсати ҳамда банк ишига бағишланган тадбирларда қатнашиб, ушбу масалаларни кенг халқ оммасига етказишда фаол қатнашмоқда.

А.Тўхтабаев депутат сифатида асосий эътиборини ўз сайловчилари билан ишлаш жараёнига қаратиб, округ сайловчилари билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, уларнинг мурожаатларини тинглаб, қўйилган масалалар ва муаммолар юзасидан тегишли идораларга мурожаат этмоқда ва уларнинг ижобий ҳал этилишига эришмоқда.

У шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси аъзоси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзоси сифатида уларнинг ишида фаол қатнашмоқда.

А.Тўхтабаев Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳаётида ҳам фаол иштирокчи, партиянинг мақсад ва вазифаларини чуқур англаган ҳолда уларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. У партия Марказий назорат-тафтиш комиссияси раиси.

Абдурашид Тўхтабаевнинг иқтисод фанлари номзоди сифатида иқтисод ва бошқарув илми тараққиётига доир 70 дан ортиқ илмий, ўқув ва оммабоп ишлари эълон қилинган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Абдурашид Турсунович Тўхтабаев 17-Қўрғонтепа сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Эл хизматида



**Турсунбой Қозихонович Тешабоев**

Инсон учун бировга хушхабар етказишдан-да гўзалроқ юмуш бўлмаса керак. Турсунбой Тешабоев қирқ йилдан буён алоқа ва почта соҳасида ишлаб одамларга ана шундай эзгулик улашиб келади. У 1960 йилда Андижон вилоятининг Андижон туманида туғилган. 2007 йилда Андижон Қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. Ихтисоси — муҳандис. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У меҳнат фаолиятини 1977 йилда Андижон шаҳар алоқа узелида сараловчиликдан бошлаган. Сўнгра Андижон шаҳар ва вилоят почта алоқаси соҳасида турли лавозимларда фаолият кўрсатган. 2006 йилдан буён "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти Андижон филиали директори лавозимида ишламоқда.

Турсунбой Тешабоев ўтган давр мобайнида ходимларга нисбатан талабчан ва меҳрибон раҳбар эканлигини намоён қила олди. Ташкилотчилик қобилияти юқори, принципиал, камчиликларга муросасиз. "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти, вилоят ҳокимлиги ва бошқа юқори ташкилотлар томонидан берилган топшириқларни доимо ўз вақтида, тўлиқ бажарилишини таъминлайди. Вилоятда почта алоқаси соҳасини ривожлантиришга ва янги технологиялар асосида хизматларнинг янги турларини жорий этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унинг айниқса почта ва алоқа соҳасида кўплаб етук мутахассисларнинг етишиб чиқишида муносиб ҳисса қўшиб келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Қўл остидаги ходимларига қулай шароитлар ва имконият яратишга интилади. Хизмат вазифаси билан қанчалик банд бўлмасин, ташкилотчилик ишларига ҳам вақт ажрата билади. Одамларни тушуниши муаммо ва талабларини тинглаб, эътибор билан қарайди. Доимо янги имкон, восита ва услулларни қидириб топа олади.

"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти раҳбарияти ва жамоаси Турсунбой Тешабоевни талабчан, жонкуяр ва софдил раҳбар сифатида қадрлайди.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Турсунбой Қозихонович Тешабоев 19-Хартум сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Талабчан ва меҳнаткаш инсон



**Дилором Ходжимуротовна Файзиева**

Дилором Ходжимуротовна Файзиева 1959 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1982 йилда Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг қурилиш факультетини тамомлаган. Ихтисоси — қурилиш муҳандиси. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Д.Файзиева меҳнат фаолиятини 1979 йилда Бухоро шаҳар "Ўзмежжамоахўжаликлараролойиҳа" институтида муҳандис лавозимидан бошлаган. 1983-1990 йилларда Бухоро пойафзал фабрикасида меҳнат ва иш ҳақи бўлими муҳандис-иқтисодчиси, 1990-1993 йилларда Бухоро пойафзал фабрикасида меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи, 1993-1995 йилларда "Интерагро" ташқи иқтисодий уюшмасида ҳисобчи, 1995-1998 йилларда бош ҳисобчи лавозимларида ишлаган. 1998 йилдан буён Бухоро вилоятидаги "Алмаз" хусусий корхонаси директори лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Бухоро азалдан буюк олиму уламолар етишиб чиққан юрт. Бу ерда неча-неча асрлардан буён қад кўтариб турган тарихий обидалар, қадамжолар бутун дунёни ўзига жалб этмоқда. Д.Файзиева ўтган йиллар мобайнида аждодлар қолдирган Бухоронинг қадимий меъморчилик меросини ўрганиш ва шу орқали туризм соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Янги иш ўринларини яратиш борасида ҳам кўплаб ишларни амалга оширди.

Д.Файзиева фан фидойиси. Кенг мушоҳадали инсон нафақат иқтисод, балки маънавият-маърифат, таълим-тарбияда ҳам бошқаларга ўрнак бўлди. Хусусан, мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, малакали кадрлар етиштириш, уларни ўз касби ва Ватан фидойиси этиб тарбиялашга алоҳида эътибор беради.

Д.Файзиева дунёқараши кенг, таҳлил ва тадқиқ килиш қобилиятига эгалиги, меҳнатсеварлиги ва ишга нисбатан масъулиятлилиги туфайли ҳамкасблари орасида катта ҳурматга эга. Ўзига нисбатан талабчан бўлиб, ўз устида тинмай изланади.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Дилором Ходжимуротовна Файзиева 21-Бухоро сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ёш раҳбар



**Пулатжон Усарович Турсунов**

Бирор жамоага раҳбарлик қилиш учун хоҳишнинг ўзи камлик қилади. Бундан ташқари яна кўплаб хислатларга эга бўлиш лозим. Лекин, Пулатжон Турсунов гарчи ёш бўлса-да бунинг уддасидан чиқди. У 1976 йилда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида туғилган. 1999 йилда Андижон Муҳандислик-иқтисодиёт институтининг «Молия ва кредит» мутахассислигини тамомлади. Ихтисоси — иқтисодчи. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У дастлаб Андижон Муҳандислик-иқтисодиёт инситутининг ҳисоблаш марказида оператор вазифасида ишлаган. 1996-2008 йилларда "Ғаллабанк" очиқ акционерлик тижорат банки Қўрғонтепа филиали компьютер бўлимининг оператори, ахборотлаштириш шўъбаси мутахассиси, Кредит-режа бўлимининг мутахассиси, етакчи мутахассис, бош мутахассис, бошқарувчи ўринбосари, Кредит амалиёти бўлими бошлиғи вазифасида ишлади.

У ўз билим ва малакасини янада ошириш мақсадида 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида таҳсил олиб, «Лойиҳавий молиялаштириш» мутахассислиги бўйича магистр даражасини олган.

2008 йилда "Ғаллабанк" очиқ акционерлик тижорат банки Қўрғонтепа филиали бошқарувчиси лавозимида ишлади. 2008 йилнинг декабрь ойидан ҳозирга қадар "Қишлоққурилишбанки" очиқ акционерлик тижорат банки Қўрғонтепа .филиали бошқарувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

П.Турсунов давр билан ҳамнафас бўлиш лозим, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва Қарорлари ҳамда Ҳукумат Қарорларини чуқур таҳлил қилиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам ўрганиб, иш фаолиятига татбиқ қилди.

Барча даражадаги жамоат ишларида фаол иштирок этади, шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, бюджет, молия ва солиқ сиёсати ҳамда банк фаолияти билан боғлиқ тадбирларда фаол қатнашади.

П.Турсунов зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаради. Ўзига ва ходимларга нисбатан талабчанлиги билан касбдошлари ва банк мижозларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Пулатжон Усарович Турсунов 20-Чинобод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ҳуқуқий саводхонлик — муҳим масала



**Мавжуда Сайфиддиновна Раджабова**

Мавжуда Сайфиддиновна Раджабова 1957 йилда Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида туғилган. 1979 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқушунослик факультетини тамомлаган. Ихтисоси — ҳуқуқшунос. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

М.Раджабова меҳнат фаолиятини 1973 йилда Ғиждувон шаҳридаги 47-сонли ўрта мактабда бошлаган. 1979-1994 йилларда Бухоро вилояти матлубот жамиятлари уюшмасининг юридик бўлимида етакчи, катта, бош ҳуқуқий маслаҳатчи ва арбитр, 1994-1999 йилларда Бухоро вилояти хўжалик судида судья, 1999-2000 йилларда "Бухорокооптранс" ҳиссадорлик жамиятида ҳуқуқий масалалар бўйича раис ўринбосари, 2000-2009 йилларда "Шахс ва ҳуқуқ" адвокатлик тузилмаси раҳбари лавозимларида ишлаган. У 2009 йил июль ойидан бери Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Бухоро вилояти ваколатхонаси бошлиғи лавозимида фаолият юритмоқда.

М.Раджабова ўз олдига қўйган барча мақсадларини унумли руёбга чиқара оладиган оқила аёл, меҳрибон она.

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада малакали кадрлар, етук мутахассисларга эҳтиёж ва зарурат туғилмоқда. Ўз касбининг фидойиси, ташкилотчи раҳбар саналган Мавжуда Раджабованинг тўплаган тажриба, билим ва салоҳияти ислоҳотларни янада жадаллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, онгини янада ўстиришда хизмат қилиши шубҳасиз.

М.Раджабова бир вақтнинг ўзида жамоатчилик эътиборини муҳим ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масала ва муаммоларга қаратиб, бу борадаги ишларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш, партия билан аҳоли ўртасидаги ҳамкорлик ва мулоқотларни янада кучайтиришга эътибор қаратади. Энг муҳими, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида, миллий мустақиллик, қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш йўлида тинмай изланади.

М.Раджабова дунёқараши кенг, таҳлил ва тадқиқ қилиш қобилиятига эгалиги, меҳнатсеварлиги ва ишга нисбатан масъулиятлилиги туфайли ҳамкасблари орасида катта ҳурматга эга. Ўзига нисбатан талабчан бўлиб, ўз устида тинмай изланади.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Мавжуда Сайфиддиновна Раджабова 22-Коғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ўз касбининг фидойиси



**Рашид Тўхтаевич Адизов**

Рашид Тўхтаевич Адизов 1962 йилда Бухоро вилоятининг Вобкент туманида туғилган. 1985 йилда Шарқий-Сибир технология институтини тамомлаган. Ихтисоси — донни сақлаш ва қайта ишлаш. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Р.Адизов меҳнат фаолиятини 1986 йилда Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг "Донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси" кафедраси катта лаборанти лавозимидан бошлаган. 1992-1994 йилларда Санкт-Петербургдаги Бутуниттифоқ ёғ-мойлар илмий текшириш институти аспирантурасида таҳсил олган. 1997 йилда техника фанлари номзоди илмий даражасини олган. 2004 йилда "Донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси" кафедраси доценти, 2001-2006 йилларда мазкур кафедра мудири, 2002-2006 йиллар Москва Давлат озиқ-овқат саноати университети докторанти бўлган. 2006 йилдан Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти "Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси" факультети декани лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Р.Адизов Ўзбекистон Республикаси ўрта ва махсус касб-ҳунар таълими аълочиси. У республикада "Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш" бўйича халқаро грант ижрочиси сифатида Европанинг етакчи олий таълим муассасаларида "Темпус" халқаро гранти доирасида уч маротаба тажриба алмашиб, малакасини оширган.

Р.Адизов ёш олим, талабчан ва масъулиятли раҳбарлардан. У ўзининг хушмуомалалиги, масъулиятни сезадиган, ўз касбини севадиган инсон сифатида институт жамоаси ва факультет талабалари ўртасида катта ҳурматга сазовор. Мамлакатимизда илм-фанни юқори даражага кўтариш, ёшларимизни замон талабига мос равишда тарбиялаш, уларнинг миллий ва маънавий онгни шакллантиришда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган ижодкор олимларимиздан ҳисобланади.

Р.Адизов таълим-тарбия, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳалари бўйича дарсликларнинг янги авлодини яратишда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. У 30 та илмий-услубий ишлар, жумладан 3 та монография, 21 та илмий- услубий, 6 та олий ва касб-ҳунар коллежлари учун дарсликлар муаллифидир. 2008 йили "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиётлар муаллифи" республика танловининг ғолиби бўлган.

Ҳозир Рашид Тўхтаевич Адизов Республикамизда етиштирилаётган "Қаттиқ буғдой навларидан макаронбоп ун тортиш технологияси" мавзусида докторлик иши устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Рашид Тўхтаевич Адизов 23-Шохруд сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Излаган имкон топар



**Ғанижон Гафурович Жумаев**

Жумаев Ғанижон Гафурович 1975 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. 2004 йилда Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини тамомлаган. Ихтисоси — инженер-технолог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Ғ.Жумаев меҳнат фаолиятини 1991 йилда Бухоро шаҳар 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббийликдан бошлаган. 1997-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими қошидаги "Дамас" корхонаси раҳбари вазифасида ишлаган. У ҳозирги кунда Бухоро шаҳар "Сабина транссервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Ғ.Жумаев халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгаши депутати. У мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози муаммолари таҳлили, шунингдек, бюджет, молия ва солиқ сиёсати ҳамда банк ишига бағишланган тадбирларда фаол қатнашиб, ушбу масалаларни кенг халқ оммасига етказишда фаол қатнашмоқда.

Ғ.Жумаев халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгаши депутати сифатида асосий эътиборини ўз сайловчилари билан ишлаш жараёнига қаратиб, округ сайловчилари билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, уларнинг мурожаатларини тинглаб, қўйилган масала ва муаммолар юзасидан тегишли идораларга мурожаат этмоқда ва уларнинг ижобий ҳал этилишига эришмоқда.

Халқ билан ҳамнафас яшаш, уларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш энг савобли ишлардан саналади. Бироқ бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Етарлича билим, савия, дунёқараш ва энг муҳими, фидойилик, шу халқ, шу юрт учун садоқат билан яшаётган инсонларгина жамиятни янада фаровонлик, тараққиётга эришишида муносиб улуш қўшиши мумкин. Ғанижон Жумаевнинг ташаббускорлиги, фаоллиги туфайли ўтган давр мобайнида халқ орасида обрў-эътиборга сазовор бўлди. Меҳнаткаш инсон халқ орасида яшаш, уларнинг орзу-истакларига қанот бўлишликни ўзининг инсоний бурчи, деб билади.

Ғ.Жумаев дунёқараши кенг, таҳлил ва тадқиқ килиш қобилиятига эгалиги, меҳнатсеварлиги ва ишга нисбатан масъулиятлилиги туфайли ҳамкасблари орасида катта ҳурматга эга. Ўзига нисбатан талабчан бўлиб, ўз устида тинмай изланади.

Оилали.

**Ғанижон Гафурович Жумаев 24-Ибн Сино сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Мақсад таълимни янада ривожлантириш



**Ўлмас Сўлаймонович Қораев**

Қораев Ўлмас Сўлаймонович 1963 йилда Жондор туманида туғилган. Маълумоти олий. 1989 йилда Бухоро Давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисоси — рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Ў.Қораев 1989-2000 йиллар мобайнида Жондор туманидаги 39-сон ўрта мактабда ўқитувчи, мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, 2000-2003 йилларда тумандаги 2-сон ихтисослашган мактаб интернат директори, 2003-2006 йилларда Жондор тумани халқ таълими бўлими мудири, 2006-2007 йилларда Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, 2007-2008 йилларда Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимларида фаолият юритган. 2008 йилдан буён Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасида фаолият олиб бормоқда.

Ў.Қораев иш фаолияти давомида вилоятда халқ таълимини ривожлантириш, уларнинг моддий базасини кучайтиришга ҳаракат қилди. Унинг саъй-ҳаракати билан вилоят ўқувчилари Республика фан олимпиадаларида 2006-2008 йилларда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ў.Қораев вилоятда амалга оширилаётган халқ таълими ислоҳотларини чуқурлаштириш, таълим самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга у таълимни ривожлантириш учун янги ва ўзига хос ташаббус ва лойиҳалар билан чиқаётгани аҳамиятга молик.

Ў.Қораев ўзига юклатилган вазифалар учун масъулиятни ҳис қилади. Таълимдаги ислоҳотларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Меҳнатсеварлиги, ишчанлиги, ташаббускорлиги билан меҳнат жамоаси ва вилоят фаоллари орасида ҳурмат қозонган инсондир.

Ў.Қораев билимдон, меҳнатсевар, янгиликка интилувчан раҳбар. Хизмат вазифасига масъулият билан ёндошиш билан бирга замонавий раҳбарлик иш услубларига ҳам эга.

Ў.Қораев ишчан, талабчан ва принципиал мутахассис. Унда бошлаган ишини охирига етказиш, берилган топшириқларни бажаришда фаоллик кўрсатиш, чидамлилик, эришилган ютуқлар билан кифояланмаслик, шижоаткорлик, фидойилик каби хислатлар шаклланган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Ўлмас Сўлаймонович Қораев 25-Варахша сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Халқ таълими аълочиси



**Амрилло Камолович Сафаров**

Амрилло Камолович Сафаров 1960 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. 1985 йилда Бухоро Давлат педагогика институтининг биология факультетини тамомлаган. Ихтисоси — биология ўқитувчиси. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

А.Сафаров меҳнат фаолиятини 1984 йилда Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 31-мактабда биология ўқитувчилигидан бошлаган. 1986-1987 йилларда Вобкент тумани халқ таълими бўлими методика кабинети услубчиси, 1987-1998 йилларда Бухоро вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти меҳнат ва касбга йўллаш кабинети услубчиси, бўлим бошлиғи, 1998-2000 йилларда Бухоро вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти ўқув методик ишлар бўйича проректори, 2000-2001 йилларда Бухоро вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият юритган. 2001 йилдан ҳозирги вақтга қадар Бухоро вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

А.Сафаров меҳнат фаолияти даврида ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатиш, уларнинг касбий маҳоратларини такомиллаштириш борасида ҳам ибратли ишларни амалга оширди. Қолаверса, ўша даврда ўқитувчилар учун "Биология фан хоналарини жиҳозлаш", "Мактабда биология фанидан амалий машғулотларни ташкил қилиш методикаси" мавзуларда яратилган кичик ҳажмли қўлланмалари мутахассисларга амалий кўмак берди.

А.Сафаров ташаббуси билан Бухоро вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида тингловчиларга методик хизмат кўрсатиш, уларни замонавий ўқитиш усуллари билан яқиндан таништириш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Жумладан, "Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш", "Педагоглар малакасини оширишнинг ташкилий услубий масалалари" мавзуларида беш марта республика, 40 дан ортиқ вилоят миқёсидаги семинарлар ўтказилган.

А.Сафаров раҳбарлигида "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури"нинг учинчи "Таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш " йўналиши талаблари асосида вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларида такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари, модернизация қилинган ўқув дастурлари тажриба-синовлари муваффақият билан ўтказилиб, республика таълим маркази раҳбарияти томонидан юқори баҳоланган.

А.Сафаров самарали меҳнатлари эвазига Ўзбекистон Республикаси "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони ва вазирликнинг қатор Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Амрилло Камолович Сафаров 27-Жилвон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Зиёли ва ташкилотчи устоз



**Умар Рашидов**

Умар Рашидов 1950 йилда Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида туғилган. 1973 йилда Бухоро Давлат педагогика институти тарих-география факультетини тамомлаган. Ихтисоси — тарихчи. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У.Рашидов иш фаолиятини 1973 йилда Ғиждувон туманидаги 11-ўрта мактабда тарих ва география фанларидан дарс беришдан бошлаган. 1977-1990 йилларда Бухоро Давлат педагогика институтида ўқитувчи, 1990-1993 йилларда мазкур институтда тадқиқодчи, 1998-2003 йилларда тарих-география факультети декани, 2003-2005 йиллар доцент вазифаларида ишлаган. 2005 йилдан ҳозирга қадар Бухоро Давлат педагогика институти гуманитар фанлар факультети декани лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

У.Рашидов 1991 йил тарих фанлари номзоди илмий даражасини, 1994 йил доцент унвонини олган. 1994-1997 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тарих институтининг докторанти сифатида фаолият кўрсатган.

У.Рашидов ўзининг илмий изланишлари давомида 40 дан ортиқ илмий мақола, 4 та рисола ва 1 та монография чоп эттирган. У Халқаро Қадимшунослик Академиясининг доктори (2001 йил) ва шу Академия профессори (2004 йил) ҳисобланади.

"Бухоро Республикасида қаршилик ҳаракати" (1920-1924 йил) мавзусидаги докторлик диссертациясини ёзиб тугатиш арафасида турибди.

У.Рашидов "Таълим тўғрисидаги қонун" ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 2-сифат босқичида факультет илмий ва педагогик кадрлар салоҳиятини оширишда фаол қатнашмоқда.

У.Рашидов университет ва вилоят миқёсида ўтказиладиган тадбир ва анжуманларда фаол иштирок этиб келаётир. Ўзининг талабчанлиги, ташкилотчилиги, тўғри сўзлиги, адолатпарварлиги билан ўз ўрнига эга.

Умар Рашидов ўтган йиллар давомида ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юртимиз манфаатлари ҳамда унинг халқаро обрў-эътиборини ошириш, миллий анъаналар ва қадриятларни сақлаш, фан-техника тараққиётини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Бундан кейин ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттиради.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Умар Рашидов 28-Ғиждувон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Тажрибали ва ташаббускор иқтисодчи



**Шавкат Хасанович Болтаев**

Шавкат Хасанович Болтаев 1974 йилда Бухоро вилоятининг Олот туманида туғилган. 1999 йилда Бухоро Давлат универститети ва 2004 йилда Тошкент Молия инстутини тамомлаган. Ихтисоси — иқтисодчи. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Ш.Болтаев меҳнат фаолиятини 1996 йилда Бухоро вилояти Олот туманидаги халқ банки бўлимида назоратчи ғазначи вазифасидан бошлаган. 1997-1999 йилларда мазкур банк бўлим бошқарувчиси муовини, 1999-2004 йилларда банк бўлим бошқарувчиси вазифасини бажарувчи, бўлим бошқарувчиси лавозимларида фаолият юритган. 2004 йилдан ҳозирги вақтга қадар Олот тумани Халқ банки филиали кредитлаш ва иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Ш.Болтаев етук мутахассис, қатъиятли, тўғри сўз ва юқори маданиятли, меҳнатсевар ва талабчан, самимий ва камтар инсон сифатида вилоят фаоллари ўртасида обрў-эътиборга эга. У вилоятни ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ш.Болтаев меҳнат фаолияти давомида қаерда ва қандай лавозимда ишламасин ўз ишига сидқидилдан ёндашган, шахсий масъулияти, фаол фуқаролик позициясини доимо биринчи ўринга қўйиб келган. Ўзига юклатилган топшириқларни ҳар доим тўлақонли ва вақтида бажарилишига эришган. У бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш борасидаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаб етган. Тажрибаси, билим ва малакасини ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ишига сафарбар этиб келмоқда. У етук иқтисодчи кадр сифатида кенг дунёқарашга, оммани ўз ортидан эргаштира олиш қобилиятига эгадир. У софдил ва адолатпарвар инсон.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Шавкат Хасанович Болтаев 26-Пайкент сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Сафарбарлик – муҳим омил



**Назира Абдусатторовна Мухторова**

Назира Абдусатторовна Мухторова 1966 йилда Жиззах вилоятининг Жиззах туманида туғилган. 1988 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини иқтисодчи мутахассислиги бўйича тамомлаган. 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Олий бизнес мактабини "Молия ва банк иши" мутахассислигини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Н.Мухторова меҳнат фаолиятини 1983 йилда Жиззах вилояти пиллачилик бирлашмаси иқтисодчиси вазифасидан бошлаган. 1984-1987 йилларда Жиззах устки трикотаж фабрикасида ёшларни ҳисобга олиш сектори мудири, 1987-1990 йилларда Жиззах вилояти матлубот савдо уюшмаси иқтисодчиси, 1993-1997 йилларда Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги истиқболни белгилаш ва статистика қўмитаси иқтисодчиси, етакчи мутахассис, бош мутахассис, 1997-2001 йилларда Жиззах вилояти ҳокимлиги индустрияни ривожлантириш, истеъмол бозори мажмуи масалалари бўйича котибият бош мутахассиси, 2001-2009 йилларда Жиззах вилояти ҳокимлиги ижтимоий масалалари бўйича котибият мудири, вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошлиғининг иқтисод масалалари бўйича ўринбосари ва вилоят уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раисининг иқтисод масалалари ўринбосари, 2009 йилнинг май ойидан буён Жиззах шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Н.Мухторова ўз билими, куч-ғайрати, тажрибасини оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, оилада тиббий маданиятни янада яхшилаш, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга сафарбар қилмоқда.

Унинг бевосита раҳбарлигида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жамоат ишларида фаол, ҳалол меҳнати билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлаётган хотин-қизларни рағбатлантириш мақсадида "Йил аёли", мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчилари ўртасида "Санъат ғунчалари", "Ватан ҳимоячилари куни" муносабати билан "Шунқор қизлар-шунқор йигитлар", иқтидорли қизлар ўртасида "Моҳитабон қизларжон", "Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда банкларнинг ўрни" кўрик-танловлари ўтказилди.

Шунингдек, у кичик ва ўрта бизнес, касаначиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани туфайли шаҳарда тадбиркор ва фермер аёллар сони тобора ортиб бормоқда. Хотин-қизларни спортга жалб қилиш, болалар ўртасида спортни ривожлантириш борасида ҳам салмоқли ишлар олиб борилаётир. Назира Абдусатторовна Мухторова асосий фаолияти билан биргаликда жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган вилоят "Аёллар кенгаши"ни бошқариб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Назира Абдусатторовна Мухторова 29-Жиззах сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Меҳнатсевар ва талабчан олим



**Абдугафур Эшонқулович Маматов**

Абдугафур Эшонқулович Маматов 1955 йилда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида туғилган. 1979 йилда Самарқанд Давлат университетининг хорижий тиллар филологияси факультетини тамомлаган. Ихтисоси — филолог, ўқитувчи. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Маматов Абдуғафур Эшонқулович 1979-1986 йилларда Жиззах Давлат педагогика институтида лаборант ва институт ўқитувчиси вазифасида ишлади. 1986-1989 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти аспиранти, 1990-1993 йилларда Жиззах Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси ва катта ўқитувчиси вазифаларида ишлади. 1993 - 1996 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти докторанти, 1997-2001 йилларда Жиззах Давлат педагогика институтининг доценти, 2001-2005 йилларда мазкур институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори вазифаларида фаолият кўрсатди.

1988 йилда филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертациясини, 2000 йилда филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2004 йилда "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши раиси вазифасида фаолият кўрсатди. 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлигига сайланди.

2005 йилнинг 29 январидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, 2005 йилнинг 19 апрелидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси аъзосидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фаолияти давомида А.Маматов 14 та қонун лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилинишида иштирок этди.

А.Маматов қўмита томонидан ташкил этилган, фан, таълим, маданият ва спорт масалаларига бағишланган 50 дан ортиқ конференция, давра суҳбатлари, семинарларда фаол иштирок этди. А.Маматов ўзининг электорати ҳамда аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, фаолияти давомида 100 дан ортиқ сайловчилар билан учрашувлар ўтказди ва 70 га яқин фуқароларнинг ёзма мурожаатларини кўриб чиқди.

2005 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тил Республика комиссияси аъзосидир.

2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланган. Ҳозирги даврда 3 нафар аспирантнинг номзодлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилмоқда.

А.Маматов "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мақсад ва вазифаларини амалга татбиқ этишда фаол иштирок этмоқда.

У меҳнатсевар, виждонли, ҳалол инсондир. Дунёқараши ва аналитик фикрлаш қобилияти кенг, нотиқлик хусусиятига эга. Ҳамкасблари орасида ҳурматга сазовор бўлган. Ўзига нисбатан талабчан, ўз устида доимо ишлаб келади. Зиммасига юклатилган вазифага масъулият билан ёндошади.

А.Маматов сиёсий етук, камтарин, дўстларига нисбатан ғамхўр, Ўзбекистон Республикаси ва чет элларда содир бўлаётган янгиликлардан ҳамиша хабардор.

**Абдугафур Эшонкулович Маматов 33-Пахтакор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Ҳам ташаббускор, ҳам ташкилотчи



**Алишер Келдиевич Қадиров**

- Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида хориж инвестицияларини жалб этган ҳолда қўшма корхоналар тузиш ва шу асосда янги иш ўринларини яратиш муҳим масала,-деб ҳисоблайди иқтисодчи Алишер Қадиров.

Алишер Келдиевич Қадиров 1975 йилда Тошкент шаҳрининг С.Раҳимов туманида туғилган. 1996 йилда Туркия Республикаси Эгей университетини тамомлаган. Ихтисоси-филолог, иқтисодчи. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

А.Қадиров меҳнат фаолиятини Жиззах вилояти Ташқи иқтисодий алоқалар бошқармасида етакчи мутахассис сифатида бошлаган. 1996-2008 йилларда Давлат мулки қўмитасининг Жиззах вилояти бошқармасида етакчи мутахассис, бўлим бошлиғи ва бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2008 йил 1 майдан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимида, 2009 йилнинг сентябрь ойидан буён бошқарма бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

А.Қадиров Давлат мулк бошқармасидаги меҳнат фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Махкамаси қарорлари билан тасдиқланган хусусийлаштириш давлат дастурларининг ижроси орқали вилоятда хусусий мулкчиликни ривожлантириш, акциядорлик жамиятларида давлат улушини самарали бошқаруви ва уларда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш каби масалаларда ўз ҳиссасини қўшган. Шу билан бирга аввал хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятини тиклаш мақсадида уларга хориж сармояларини жалб қилиш йўналишида амалга оширилган ишларда бевосита иштирок этган. У собиқ мебел фабрикасининг ишлатилмай турган биноларида Туркиянинг «Эря холдинг» компанияси томонидан киритилган 400.0 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ҳисобига пластик маҳсулотлари чиқиндиларини қайта ишлаб, сунъий момиқ ишлаб чиқариш учун зарур бўлган гранулаларни тайёрлаш, «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамиятининг фойдаланилмай турган биноларида Туркиянинг "Ре таш" холдинг" компанияси томонидан киритилган 620.0 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ҳисобига гилам тўқиш учун керакли бўлган сунъий калава ип ишлаб чиқариш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Дўстлик туманида фойдаланилмай турган бинолари негизида Туркиянинг «Сии фудс» компанияси томонидан киритилган 1,0 млн. АҚШ долларидан ортиқ инвестициялари ҳисобига балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишга мўлжалланган хориж корхоналарининг ташкил этилишида бевосита иштирок этган.

А.Қадиров Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажариш жараёнида «Агроминитех-2008», «Агроминитех-2009» кўргазма савдоларида вилоятнинг кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликларининг фаол иштироки, минитехнологияларни харид қилиш бўйича шартномалар имзолаш ва уларни амалга ошириш бўйича вилоят ҳокимлигининг дастурини ишлаб чиқишда бевосита қатнашган.

А.Қадиров 2001 йилда Японияning "JICA" агентлигининг "Ёшларни ривожлантириш дастури"да, 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясининг Олий бизнес мактаби, Корпоратив бошқарув марказининг "Корхона ижро этувчи органлари фаолиятини назорат қилиш, молиявий ва ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилиш усуллари" дастурида ва 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясининг "Ёш раҳбар кадрларнинг махсус ўқув курслари"-да иштирок этган.

А.Қадиров вилоятда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо ишларини жонлантириш ишлари билан биргаликда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Устав, Дастурининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жойларда кўплаб тадбирларнинг ташкил этилишида, партия ғояларини аҳоли ўртасида тарғиб қилишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Алишер Келдиевич Қадиров 30-Дўстлик сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Партия ғоялари тарғиботчиси



**Ғайрат Ўроқбоевич Қодиров**

Ғайрат Ўроқбоевич Қодиров 1973 йилда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида туғилган. 1996 йилда Жиззах Давлат педагогика институтини, 2007 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Ихтисоси — педагог, иқтисодчи. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Ғ.Қодиров меҳнат фаолиятини 1987 йилда Ғаллаорол тумани Гулистон хўжалиги 57-ўрта мактабда бошлаган. 1996-1998 йилларда Жиззах Давлат педагогика институти Табиатшунослик асослари кафедрасида лаборант, катта лаборант, 1997-2004 йилларда институт "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти раиси, Биология ва уни ўқитиш услубияти кафедраси ўқитувчиси, 2004-2007 йилларда Жиззах Давлат педагогика институти касаба уюшмаси қўмитаси раиси ва бошқа масъулиятли лавозимларда ишлади. 2008 йилнинг сентябрь ойидан хозирги вақтгача жамоатчилик асосида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Жиззах давлат педагогика институтининг илмий ишлар бўйича проректори лавозимларида ишлаб келмоқда.

2008 йилнинг май ойида "Айдаркўл соҳили ўтлоқ ўсимликлар қатламининг трансформацияси" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ҳозирги кунда "Қизилқум флораси" мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

Ғ.Қодиров Жиззах Давлат педагогика институти профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти ва сифат таркибини ошириши билан биргаликда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Устав, Дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда партия ғояларининг аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқоти билан ҳам шуғулланиб келмоқда.

Ғ.Қодиров раҳбарлиги ва ташаббускорлигида 2008 йилнинг сентябрь ойидан буён 80 дан ортиқ маданий-маърифий ва ҳомийлик акцияси, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан вилоятдаги турли муассасаларида таълим ходимлари билан, шунингдек, қишлоқ ва маҳалла аҳли билан 150 га яқин, хотин-қизлар ҳамда вилоят ёшлари билан 200 га яқин ғоявий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ташкил этилди. Бу жараёнда асосий эътибор ёшларни Ватанга садоқат руҳида, баркамол инсон этиб тарбиялаш, фуқароларни доимий огоҳликка даъват этиш, кам таъминланган аҳоли ва уларнинг фарзандларига инсонпарварлик ёрдамлари уюштириш каби партия ғояларига қаратилди.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Ғайрат Ўроқбоевич Қодиров 32-Ғаллаорол сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Эл-юрт хизматида



**Муродулло Шомаматович Ёрмаматов**

- Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир,- дейди Муродулло Шомаматович Ёрмаматов. У 1958 йилда Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида туғилган. Муродулло Ёрмаматов 1981 йилда Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Ихтисоси — муҳандис-қурувчи. ЎзМТДП аъзоси.

М.Ёрмаматов меҳнат фаолиятини 1981 йилда Бухоро вилояти Навбаҳор тумани қишлоқ хўжалик бошқармасида бош ирригатор сифатида бошлаган.

1981-1982 йилларда Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги қишлоқхўжалик бошқармаси бош ирригатори, 1982-1992 йилларда Навбаҳор туманида бош ер тузувчи, 1992-2007 йилларда Навоий вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи, 2007-2009 йилларда мазкур бошқарма ҳузуридаги "Хўжалик ҳисобидаги Ер тузиш ва мониторинг" бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият юритган.

2009 йилдан бошлаб "Ўздаверлойиҳа" институти Навоий вилояти бўлимида директор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

М.Ёрмаматов меҳнат фаолияти давомида раҳбарлик қобилияти, чуқур билим ва тажрибага эгалиги, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни татбиқ этишда жонкуяр ходим сифатида ишлаб келмоқда. Кўп йиллар бошқарма бошлиғи лавозимида ишлаб, ўзининг ҳалол меҳнати туфайли жуда катта ҳурмат ва обрў қозонган. Ташкилотчилиги ва фидойилиги учун халқ депутатлари Навоий вилояти кенгаши депутати этиб сайланган.

М.Ёрмаматов вилоятда ўз соҳаси бўйича кўплаб ишларни амалга оширишда ўзининг беминнат ҳиссасини қўшган. У Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорларини бажарилишини таъминлашда астойдил меҳнат қилиб келмоқда.

Муродулло Шомаматович Ёрмаматов дунёқараши кенг, таҳлил ва тадқиқ қилиш қобилиятига эгалиги, оққўнгил, меҳнатсеварлиги ва ишга нисбатан масъулиятлилиги туфайли ҳамкасблари орасида катта ҳурматга эга. Ўзига нисбатан талабчан бўлиб, ўз устида тинмай изланади.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Муродулло Шомаматович Ёрмаматов 35-Қизилтепа сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Яқин кўмакдош



**Гулбаҳор Маматмурадовна Нормуратова**

Гулбаҳор Маматмурадовна Нормуратова 1963 йилда Жиззах шаҳрида туғилган. 1983 йилда Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисоси — иқтисодчи, педагог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Г.Нормуратова меҳнат фаолиятини 1982-1984 йилларда Жиззах шаҳар умумий овқатланиш трестида ҳисобчи-фактуровкачи сифатида бошлаган. 1984-1996 йилларда Жиззах вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик жамиятида ҳисобчи, Ховос ишчилар таъминоти бўлими Жиззах шаҳар бўлимида ҳисобчи, Жиззах шаҳар хўжалик ҳисобидаги Савдо базасида ҳисобчи, вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик жамиятида иқтисодчи, Жиззах шаҳар Ҳайрабод "Матлуботсавдо" акциядорлик жамиятига қарашли "Тикув ва ўқув цехи" бўлими бошлиғи, 1996-2000 йилларда Республика "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармаси Жиззах вилоят бўлими раиси, 2000-2003 йилларда Республика "Ибн Сино" халқаро хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлими раиси, 2003-2005 йилларда "Жиззах саҳовати" кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, 2005 йилнинг апрель ойидан ҳозирги кунгача Республика "Меҳр-шафқат" жамғармаси Жиззах вилоят бўлими раиси лавозимларида фаолият юритиб келмоқда.

Г.Нормуратова фаолияти давомида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга яқиндан ёрдам кўрсатиб келади. Жумладан, вилоят ҳокимлиги билан биргаликда 20 та кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйи ва никоҳ тўйларини ўтказишда фаол иштирок этди.

1991-1996 йилларда Жиззах шаҳар "Ҳайрабод" ҳиссадорлик жамияти қошида 40 иш ўрнига мўлжалланган тикувчилик ва тўқувчилик цехини ташкил қилиб, 20 турдаги халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Г.Нормуратова "Меҳр-шафқат" жамғармаси Жиззах вилояти бўлимини бошқариб, жамғармани молиявий барқарорлаштиришга эришди. Тўпланган маблағларни вилоятдаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтож кишилар, уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш ишларига йўналтирди. Бемор инсонларнинг республика миқёсидаги касалхоналарда даволанишида ҳомийлик қилди. Бевосита унинг раҳбарлигида Республика "Меҳр-шафқат" жамғармаси қошида ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган кичик корхона ташкил қилиб, қўшимча ишчи ўринлари яратилди. 2008-2009 йилларда жамғарма томонидан 485 та тикув машиналар олиниб, қўшимча ишчи ўринлари яратишга эришилди. Бу орқали кам таъминланган оила аёллари ҳам доимий иш ўрнига эга бўлди.

Гулбаҳор Маматмурадовна Нормуратова ўз меҳнатлари билан халқ ишончига сазовор бўлган инсон. 2004 йилда 26-"Ҳайрабод" сайлов округидан III-чақириқ Жиззах вилоят кегашига депутат этиб сайланган.

Ҳозирги кунда "Жиззах саҳовати" кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонасини ташкил қилиб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариб, вилоят аҳолисига етказиб бермоқда.

Оилали. 3 нафар фарзанди бор.

**Гулбаҳор Маматмурадовна Нормуратова 31-Зарбдор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Интилганга толеъ ёр



**Зулхумор Кимсанбаевна Джўраева**

-Юртимиз мустақилликка эришгач барча соҳаларда, шу билан бирга тилимизга бўлган эътибор ҳам кучайди,- дейди Зулхумор Кимсанбаевна Джўраева. У 1958 йилда Наманган вилоятининг Норин туманида туғилган. 1981 йили Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Ихтисоси – филолог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

З.Джўраева меҳнат фаолиятини 1975 йили Наманган вилояти Норин туманидаги 1-ўрта мактабда ёш авлодга билим беришдан бошлаган.

1976-1978 йилларда Тошкент Давлат университетининг девонхона котибаси, 1981-1982 йилларда Наманган шаҳар касб-ҳунар билим юрти ўқитувчиси, 1982-1990 йилларда Навоий тоғ-кон металлургия комбинати Марказий кон бошқармасига қарашли боғча тарбиячиси, 1990-1992 йилларда Зарафшон шаҳар радиоси катта муҳаррири, 1992-2000 йилларда Зарафшон шаҳар ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масаласи гуруҳи раҳбари лавозимларида фаолият юритган.

Шунингдек, 2000 йилдан буён Навоий вилояти Зарафшон шаҳри ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида фаолият кўрсатиб, аёллар салоҳиятини ҳар томонлама оширишда ўзининг фойдали маслаҳатларини аямайди.

З.Джўраева ўз олдига қўйган барча мақсадларини рўёбга чиқара оладиган оила ташвишларини иш фаолияти билан бир пайтда муваффақият билан бажарувчи оқила аёл, меҳрибон она ва ташкилотчи ҳамда қўл остидаги ходимларига ёрдамини аямайдиган жонкуяр раҳбар.

З.Джўраева дунёқараши кенг, меҳнатсеварлиги ва ишга нисбатан масъулиятлилиги туфайли ҳамкасблари орасида катта ҳурматга эга. Ўзига нисбатан талабчан бўлиб, ўз устида тинмай изланади.

Зулхумор Кимсанбаевна Джўраева Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вилоят кенгаши фаолларидан ҳисобланади, партиянинг мақсад ва вазифаларини чуқур билган ҳолда уларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Зулхумор Кимсанбаевна Джўраева 36-Зарафшон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Интизом — фаолият мезони



**Баходир Рахматович Жумаев**

- Мамлакатни модернизация қилишда иқтисдий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳозирги замон талаби,- дейди Баходир Рахматович Жумаев. У 1971 йилда Навоий вилоятининг Хатирчи туманида туғилган. 1992 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат университетини, 2000 йилда Тошкент Молия институтини, 2003 йили Тошкент Банк молия академиясини тамомлаган. Ихтисоси — муҳандис-электрик, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, банк иши. ЎзМТДП аъзоси.

Б.Жумаев меҳнат фаолиятини 1992 йилда Навоий вилоятидаги "Автотеххизмат" корхонасида бухгалтер сифатида бошлаган.

1995-1997 йилларда "Сардор" ишлаб чиқариш тижорат фирмаси бош ҳисобчиси, 1997 йилда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Навоий вилояти бухгалтерия бўлими ҳисоботлар ва ссуда операциялари шўъбаси бош мутахассиси, 1998 йилда мазкур Миллий банк бош ҳисобчиси муовини, 2000 йилда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Учқудуқ туман филиали бош ҳисобчиси, 2000-2002 йилларда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Навоий вилояти бўлими бошқарувчиси муовини, 2004-2009 йилларда "Савдогарбанк" Навоий вилоят бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият олиб борган.

2009 йилдан Ўзбекистон – Германия "Савдогар" акциядорлик тижорат банки қошидаги "Гарант иншуранс груп" шўъба суғурта компанияси Навоий вилояти филиали директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Б.Жумаев интизомлилиги ва ҳақиқатгўйлиги, ўз хизмат вазифаларига ўта масъулият ҳисси билан ёндашганлиги туфайли кенг жамоатчилик ўртасида катта ҳурмат ва обрў эътибор қозонган.

Б.Жумаев катта ташкилотчилик қобилияти, ҳар қандай вазиятларда ҳам ўзини идора қила билиши, вазиятни холис ва тўғри баҳолай олиши билан бошқалардан ажралиб туради.

Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

**Баходир Рахматович Жумаев 34-Навоий сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

